

Mustahkam oila – yurt tayanchi

# OILA DAVRASIDA

№ 10-11  
(408-409)  
14-may  
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.




## АҚЛ КУДРАТИ

### ЁХУД ДАРВОЗА

### ПЕШТОҚИДАГИ БИТИК

6-7-бетлар



### МАТБУОТ МУАММОлари

Янги қарор лойиҳасидан нима кутилмоқда?

3-бет

### ҚОДИРИЙ

Буюкликнинг уч омили

5-бет

### ЁШЛАР

нега ажрашяпти?

7-бет



### ТОМОРҚА

қачон даромад беради?

10-бет



### КОРОНАВИРУС

қанча яшайди?

11-бет

### 6 КИШИ УЧУН

600 хизматчи

4-бет

«Оила даврасида» газетасига

## 2020 йил ОБУНА

Обуна индекси — 193

ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Оила даврасида» — энг арзон, энг қизиқарли ва оилангизнинг ҳар бир аъзоси учун энг фойдали нашр!

«Оила даврасида» бу — ўз фикрингиз, мулоҳазангиз, муносабатингиз билан чиқишингиз мумкин бўлган эркин минбар!

ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!



uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOB SAVDOTA MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй  
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара китоблар assortименти

## Шавкат Мирзиёев: ЭПИДЕМИОЛОГИК ВАЗИЯТ ЖИЛОВИНИ МАҲКАМ УШЛАГАН ҲОЛДА КАРАНТИН ТАЛАБЛАРИНИ ЮМШАТИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ

«Карантин туфайли иқтисодий ва фуқароларни янада қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан қўшимча 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимизда карантин талабларини ҳушёрликни оширган ҳолда янада юмшатиш, иқтисодий тармоқларини босқичма-босқич ишлатиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш чора-тадбирлари юзасидан 13 май куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида айтиб ўтилди.

Пандемия шароитида аввалги берилган имтиёزلарга қўшимча равишда тадбиркорлар ва аҳолини қўллаб-қувватлаш учун қуйидаги ишлар амалга оширилиши айтиб ўтилди:

**Биринчидан**, кичик бизнес ва фермер хўжалиқларига ижтимоий солиқ ставкаси май-июль ойларида 12 фоиздан 1 фоизга туширилади. Бунинг натижасида 260 мингдан зиёд корхона ва фермер хўжалиқлари жами 650 миллиард сўм маблағларни тежаган ҳолда, уларни сармоя ва айланма маблағ сифатида ишлатиш имконига эга бўлади.

**Иккинчидан**, кичик бизнес вакиллари, яқка тартибдаги тадбиркорлар келгуси уч ой давомида ер ва мол-мулк солигидан озод этилади. Бунинг ҳисобига 50 мингдан ортиқ тадбиркор 300 миллиард сўмни тежайди ва уларнинг айланма маблағи кўпаяди.

Шунингдек, аввалги қарорга асосан, апрель-май ойларида мингдан зиёд тадбиркорнинг ер ва мол-мулк солиқлари ва пенялари бўйича кечиктирилган 80 миллиард сўм тўловлари кечиб юборилади.

**Учинчидан**, тадбиркорларга боғжона тўловларини 120 кунгача кечикти-

риб тўлашга рухсат берилади. Бу уларга жами 540 миллиард сўмни тежаш ҳамда ушбу маблағларни ўз бизнесини ривожлантиришга йўналтириш имконини беради.

**Тўртинчидан**, эҳтиёжманд оилаларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида нафақа олувчи оилалар сони қўшимча 70 мингтага ёки 10 фоизга кўпайтирилиб, бюджетдан яна 200 миллиард сўм ажратилади.

**Бешинчидан**, илгари ставкаси 22 фоизгача бўлган инвестиция кредитлари бўйича фоизлар қисман давлат томонидан қоплаб берилган бўлса, энди ставкаси 26 фоизгача бўлган кредитларнинг фоизлари ҳам қисман қоплаб берилади.

Шунингдек, тадбиркорларга айланма маблағларини тўлдириш учун 500 миллиард сўмгача (илгари 10 миллиард сўмгача) берилган кредитлар бўйича компенсация миқдори 5 фоиздан 10 фоизга оширилади.

**Олтинчидан**, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида жорий қилинган аҳолига яқка тартибда уй-жой куриш ва таъмирлаш учун кредит бериш тажрибаси Тошкент шаҳрида ҳам татбиқ этилади. Шу орқали пойтахтда қарийб 10 мингта мавсумий иш ўринлари яратилади.

**Еттинчидан**, маҳаллий корхоналарнинг маҳсулотига нисбатан ички талабни ошириш ва шу орқали уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат ташкилотларига III-IV чоракдаги харидларини II чоракда амалга ошириш ҳуқуқи берилади.

### МАЪЛУМОТ

«Иш ҳақи, нафақа ва пенсиялар, карантин қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда, нақд пулда тарқатилиши белгиланди. Касаллик юқиши хавфидан келиб чиқиб, тўловлар нақдсиз шаклга ўтказилган эди».

## Поезд ва авиақатновлар тикланади

«Яшил» ва «сарик» худудларда санитария-гигиена талабларига қатъий амал қилган ҳолда хизмат кўрсатиш турларига босқичма-босқич рухсат берилади. Бу ҳақда Президент ҳузурида бўлиб ўтган йиғилишида маълум қилинган.

Олис худудларнинг пойтахтимиз билан транспорт алоқасини тиклаш жуда долзарб масала бўлиб турибди. Шу боис Тошкент шаҳридан Нукус, Урганч, Термиз шаҳарларига авиақатновларни тиклаш, Самарканд,

Навоий, Бухоро, Қарши шаҳарларига «Афросиёб» тезкор поезд хамда Фарғона водийсига поезд қатновини қайта йўлга қўйиш режалаштирилмокда.

Шунингдек, шаҳарлар ичида шахсий автомобиллар ҳаракати бўйича чекловларни бекор қилиш масаласи ўрганилмокда. Транспорт, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликларига булар бўйича Республика комиссиясига таклиф киритиш вазифаси қўйилди.



Аслида одам боласига яратган тарафидан инъом қилинган кун, оилаларнинг ёмони йўқ. Инсон яхши нияти, оидин фикрати, меҳнаткаш қўли, эзгу орзу-мақсадлари билан ҳар бир лаҳзани баракага, файзга айлантира олади.

Аммо ҳам жисмонан, ҳам руҳан тикланиш оиди бўлган моҳи Рамазоннинг ўзгача хосияти, ўзгача ҳикмати борлиги аён. Бу оид ҳеч қайси муслим, муслиманинг ҳаётидан беиз ўтиб кетмайди. Ўйлаб кўрсам, менда ҳам шу оид билан боғлиқ талай хотиралар бор экан...

## ЭЗГУЛИКЛАР ЭГИЗИ

Бир йили Рамазон оиди жазирама эзга тўғри келди. Мустақиллик байрамига бир оид қолганида гурух-гурух бўлиб вилоятларга бу байрам моҳиятини теранроқ ағлаштириш учун чикар эдик. Тошкент вилоятининг Янгийўл тумани чекимизга тушди. Эрталабги учрашувларни ўтказгач, шийпонга — бир фермернинг хўжалигига бордик.

Орамизда Даврон Эргашев, унинг созандалари ҳам бор эди.

Тушликка таклиф бўлганида рўздорлигимизни айтиб, узр сўрадик. Менда ўша санъаткор

— Камтарингина юриш-туришимизга қараб, бизни эҳтиёжманд деб ўйлади, шекилли, закот бериб кетди. Хижолат бўлмасин, деб индамай қўя қолдим. Лекин биздан ҳам мухтожроқ бандалар бордир, ўшаларга берсак яхши эди, — дедилар хўжайиним.

Маҳалламизда деярли ўзига тўқ одамлар яшарди. Бир-иккита аёлманд инсонлар бор-у, уларнинг кўнгли осмонда бўлади, бериш — кийин, уларнинг олишлари ундан ҳам кийин.

— Ҳа-я, кўшни тахририятда эри вафот этган аёл бор, болалари ҳам икки-учта шекилли, ўшанга Гайратжоннинг



йигитлар олдида рўздор эканлигини намойиш қилиш фикри уйғондим, овозимни бандлаштириб:

— Ким еб-ичса бораверинг, биз Ойнисаҳон билан (ёнимда фалсафа фанлари номзоди, миллий университет доценти эди) салқинроқда дам олиб турамыз, — дедим. Шийпоннинг бир хонасига бошлашди. Ўтирсак, Даврон Эргашев ҳам кириб келди.

— Одамлар тўплангунча, рўздорлар шу ерда дам олиб турарканмиз, — деди.

Бошимдан биров сув куйгандек бўлди. Ёш эстрада хонандаси бўлса, тўйларда юрса, рўза тутмайди, деб ўйлабманда. Ўйларимдан уялиб кетдим. «Давронжон, мени кечиринг», дегим келди, лекин унинг сокин чехраси, худди шундай нигоҳида гина сояси йўқ эди. «Рўзани ҳар банда ўзи учун тутайди, тутмаганга беписанд қараш, уни камситиш учун эмас». Бу куннинг менга энг яхши сабоғи шу бўлди.

У пайтларда биз Дархонда яшардик. Воқеаларнинг фаслга алоқаси йўқлиги учун бўлса керак, Рамазон оидининг қайси ойда тўғри келгани эсимда йўқ. Маҳалламизда Гайратжон исмли тадбиркор бор эди. Бир кун ифторлик пайтидан сўнг уйимизга кириб, хўжайиним билан бир пас ўтирди-да, чиқиб кетди.

номидан олиб бориб бера қолай, — дедим.

— Тагин, ўзимиздан деб юрма, албатта, Гайратжоннинг номини айт, — деб таянлаб қолдилар хўжайиним.

Шундай қилдим. Ишдан қайтишда зинапоядан тушиб кетаётсам, кўшни тахририятнинг фарроши тушиб келяпти, ёнида бир аёл.

— Маъмура (мен пул берган бева аёлининг исми шундай эди) менга закот берди, маошингиз оз, Гайратжон деган тадбиркор бериб юборди, керагингизга ишлатарсиз, деди. Барака топишсин, Гайратжон ҳам, Маъмура ҳам. Ўзим рўза тутолмадим. Қўшниларим орасида рўздорлар бор, эртага — шанбада мана шу пулга харажат қилиб, икки-учтасини чақариб, кичкинагина ифтор қилиб юбораман...

Бошқа гапларни эшитмадим. Зотан кўнглимни кўзгатадиган энг зарур гапни эшитиб бўлгандим. Бу аёл ҳам ўша закотни ўз қорига эмас, рўздорларга бир пилёла чой бериб, савоб олиш учун ишлатмокчи бўлибди.

Одамлар ундай бўлиб кетяпти, бундай бўлиб кетяпти, бу гаплар эски гаплар, деймиз. Аммо халқнинг қон-қонига сингиган фазилатларнинг йўқолиб кетиши осон эмас. Керак бўлганда, улар тупроққа қадалган уруғга сув етиб, кўеи тушгандек қайта кўкариб чиқаверади. Бугунги синовли кунлардан матонат, ҳамжиҳатлик билан ўтаётганимиз ҳам шу фикримни исботи эмасми?

# ЯНА МАТБУОТ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА

## ёхуд ҳукумат қароридан кўзланган асл мақсад нима?

Босма оммавий ахборот воситалари, асосан газеталарнинг келажаги керак-керак эмаслиги ҳақидаги муҳокамалар кетаётган шу кунларда ҳукумат порталига бир қарор лойиҳаси жойлаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан муҳокамага кўйилган ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари муассислигидаги даврий босма нашрларни қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридир.

Бу мамлакатимизда сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга алоҳида эътиборнинг яна бир муҳим қадами эканини таъкидлаш жоиз. Чунончи, бугун матбуот нашрларини фақатгина классика учун эмас, жамоатчилик назоратини ўрнатиш, хар бир воқеликка ҳолис муносабатни шакллантириш, кенг аҳоли қатламини ўқишга, фикрлашга, тафаккур қилишга ўргатиш, саводини чиқариш учун ҳам қанчалик муҳим эканини исботлашга ҳожат йўқ.

Газеталар ривожлантиришнинг ҳақида бугун бот-бот айтилган. Баъзида босма матбуотнинг «ўлими» ҳақидаги гаплар ҳам кулоққа чалинапти. Бундай гапларни шоншомасдан, яхшилаб мулоҳаза қилиб кўриш зарур, назаримда. Республикаимиз аҳолисининг кўп қисми қишлоқ жойларда яшайди, уларнинг барчаси замонавий коммуникатив ресурслар билан тўла таъминланмагани, улар орасида ахборот олишда анъанавий воситаларни маъқул кўрувчилар кам эмаслиги, босма нашрларнинг аналогсиз жиҳатлари, илмий-этноик хусусиятлар, ижтимоий-маънавий омидаларни ҳам инobatта олиш муҳимлигини эътибордан четда қолдирмаслик керак, албатта.

Қарор лойиҳаси билан танишиб чиқиб, тўғриси, ундан газеталар айнан бугун дуч

келаётган асосий муаммолар ечимни борасида айтарли гап топмадим. Бир нарсани тўғри тушунайлик: газеталар ривожланиши учун инфраструктура зарур, ахир.

**Ҳозиргача матбуот нашрларига обуна қилиш, уларни чоп этиш ва ўқувчининг қўлига етиб боришгача бўлган жараён совет замонидан келадиган шароитда қолган. Қарор айни шу борада ечим бўлиши, матбуот нашрлари учун янгича муҳит яратишини кутган эдик.**

Тайёр обуна қилиб бериш, кейин «Бўлди, йил охиригача амаллаб чиқариб олсак бўлди», деган боқимандалик кайфияти билан газета чиқариш замони аллақачон ўтган. Хар бир газета ўз ўқувчисини топиши учун куралиши керак. Кўп газеталар шунга ҳаракат қилипти, айни ўқувчилар дилидаги гапларни ёзипти ҳам. Унда нима учун уларнинг адади сонма-сон ошмапти? Нима учун бирор нашр «Мана шу номерда ўта долзарб материал беришимиз, шундан қўшимча 20 ёки 30 минг нусха чиқарайлик, сотилиб кетади», деб ўйламайди? Чунки буни амалга ошириш

механизми йўқ.

Мана шунинг ўзи рақобатни ўлдирди. Изланишга рағбат йўқолади. Долзарб бир мақола тайёрласа ҳам ёки ахборот агентликларининг тайёр материални кўчириб босса ҳам – бир хил. Куни ўтаверди.

Матбуот нашрларининг обунаси, чакана савдоси ва кунлик газетани хар бир хонадонгача етказиб бериш механизми қандай бўлади? Мисол учун, фалон тумандан қимдир сизга «Газетангиз яхши экан, қандай обуна бўламан?», деса сиз қандай жавоб берасиз? «Туман марказига борасиз, почтага кирасиз, қвитанция тўлдирасиз, кейин банкка борасиз...» Бунақа ҳолатда ҳеч ким обуна бўлмади. Ҳалигача газеталаримизга ҳаманинг қўлидаги оддий мобил телефон орқали обуна бўлиш ёки сотиб олиш имкониятини яратиш бера олганимиз йўқ. Газеталар ҳозир туман почта бўлимига борганидан кейин ҳам ўша ердаги ташкилотларга етиб бориши учун 2-3 кунлаб ётади. Қишлоқларга етиб боришини энди тасаввур қилаверинг.

Ҳозир деярли хар бир қишлоқда одамлар учун қулай савдо дўконлари бор. Балки шуларни ёнида мўъжаз бир маърифат дўкони очиб мумкин. Унда фақат китоб, канцелярия ва газета журналлар сотилиши керак. Фақат улар фаолиятини ривожлантиришнинг механизми яратилиши, уларга имтиёзлар берилиши керак.

Қарор лойиҳасида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда барча матбуот нашрлари учун махсус «Обуна портали»ни яратиш масаласи кўйилиши зарур, назаримда. Бу портал орқали мамлакатимиздаги исталган даврий нашрларга осон ва қулай тарзда онлайн обуна бўлиш, тезкор тўлов тизимлари орқали обуна тўловини амалга ошириш мумкин бўлади. Хар бир обуначи истаган пайтда ўзи обуна бўлган нашрнинг чоп этилиши, манзилга қачон етиб келиши ҳақида аниқ маълумот олиш имконига эга бўлади.

Газеталар ўқувчи қўлига ўз вақтида етиб бормаслиги бугун жиддий масала. Бунда кўпчилик тахририятларни айбдор қилади. Лекин масаланинг бошқа томони борки, ҳозир аксарият тахририятлар ўз газетасига босмаҳонага топширгунча жавоб бера олади. Босмаҳонадан чиққандан кейин қачон етиб бориши матбуот тарқатиши билан шугулланаётган ташкилотларга боғлиқ. Бугун бундай ташкилотлар сони жуда кўп, аммо уларнинг аксариятида жавобгарлик ҳам, газетани вақтида етказиб бериш масъу-

лияти ҳам йўқ. Чунки газета қанча масофага, қанча вақтда етиб бориши зарур, деган мезон йўқ. Бирор бир почта бўлими ёки матбуот тарқатувчи ташкилотлар газеталарни етказиб беришда скутер ёхуд велосипед каби техникалардан фойдаланиш муносиброқ самара бериши ҳақида ўйлаб кўрмайди. Ҳолбуки, битта туманда 4-5 нафардан шундай тарқатувчилар ёлланса мингдан зиёд одам иш билан таъминланиши ҳам мумкин.

Кейинги вақтдаги таҳлиллар кўрсатаётгани, аксарият юртдошларимиз обунага қарши эмас. Фақат обуна нархи арзон бўлиши, хар ким ўзи истаган газета ва журналга обуна бўлиши учун шароит яратилиши, газета-журналлар энг долзарб масалаларни кўтариб чиқиши ва муҳими, вақтида етказиб берилиши тарафдоридир.

Матбуот нашрлари асосан ташкилот ва идораларда қолиб кетиши сир эмас. Хонадонларга кунлик газета кириб бориши бутунлай йўқолган, деса ҳам бўлади. Мамлакатимизда 7 миллиондан зиёд оила бўлса, унинг 1 фоизига ҳам газета кириб бормаслиги жуда ачинарлидир. Аксинча, газета хар куни эшигининг тагига етиб бурса, одамлар газета ўқий бошлайди. Шундагина матбуотга ишонч пайдо бўлади, газеталарга ўз хоҳиши билан обуна ҳам бўлади.

Агар газеталарга обуна бўлиши ва уларни етказишда, чакана савдосида шундай изчил механизмлар яратилса, газеталар ўз ўқувчисини топиш учун ўзлари қай уради. Соҳада тенг имкониятлар замиридаги соғлом рақобат юзага келади. Мазмунан ранг-баранглик пайдо бўлади. Дейлик, бир нашр «тепа тегмаган» долзарб бир мавзунини кўтариб чиқапти. Бу ҳақда керак бўлса олдиндан реклама қилади, ўқувчиларни кизиктиради. Ўша мақола чоп этилган номердан 10-15 мингта қўшимча ҳам сотувга чиқаради.

Ана шундан кейин нашрлар тиражи оша бошлайди, обуна нархи ҳам, газета таннари ҳам сезиларли пасаяди. Соғлом рақобат муҳитида газеталарнинг иқтисодий имкониятлари ошар экан, бирор ҳокимликка ёки вазирликка молиявий қарам бўлмайди.

Қарор лойиҳасини маромига етказишда юқорида санаб ўтилган муаммолар ечимни ўз аксини топади деган умиддамиз. Бу муаммоларни ҳал этиш, матбуотнинг сифатини, тезкорлигини ошириш, унинг арзон, ҳамма учун мақбул бўлишини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган очиклик сиёсатида муҳим ўрин тутиши, шубҳасиз.

Салоҳиддин  
ЗАЙНИДИНОВ



Газеталар почта бўлимига борганидан кейин ҳам эгасига етиб борунча 2-3 кунлаб ётади. Қишлоқларга етиб боришини энди тасаввур қилаверинг.

### БИЛАСИЗМИ?

## Карантин чоғида истеъмолчилар

### қайси соҳадан кўпроқ норози бўлди?

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясига 2020 йилнинг 30 март – 10 май ҳолатига фуқаро (истеъмолчи)лардан жами 395 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ушбу мурожаатларнинг 280 таси оғзаки, 4 таси ёзма, 111 таси эса электрон шаклда юборилган, дея хабар берди ЎЗА.

Мазкур ариза ва шикоятларнинг 374 таси тўлиқ ижобий ҳал қилинган бўлиб, қолганлари ижро назоратига олинган. Мурожаатларни соҳалар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, куйидаги кўриниш касб этади.

Истеъмолчилардан келиб тушган мурожаатларнинг 218 таси (55,2%) савдо соҳасига, 22 таси (5,6%) газ таъминоти соҳасига, 34 таси (8,6%) электр таъминоти соҳасига, 15 таси (3,8%) сув таъминоти соҳасига, 13 таси (3,3%) коммунал хизмат соҳасига, 62 таси

(15,7%) хизмат кўрсатиш (сервис) соҳасига, 3 таси (0,8%) транспорт соҳасига, 27 таси (6,8%) алоқа (ва интернет) соҳасига тўғри келади. Шу вақт давомида соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича умуман шикоят аризаси тушмаган.

Истеъмолчи сифатида ҳақ-ҳуқуқингиз бузилса, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг 1091 ишонч рақамига қўнғирок қилишингиз мумкин.



## Каерларда яшаш қийинлашиб кетиши мумкин?

«Америка ва Британия олимлари биргаликда тадқиқот ўтказишиб, қайси мамлакатларда экологик вазият ёмонлашиши натижасида яшаш қийинлашиб кетишини аниқладилар, дейилади ЎзАнинг жаҳон хабарларида.

Маълум бўлишича, сайёраимизда одамлар жуда оғир ва экстремаль шароитда истиқомат қилишга тўғри келаётган жойлар аллақачон пайдо бўлган.

Мутахассислар дунёнинг интерактив харитасини ишлаб чиқди. Унда ҳар бир минтақа учун ҳароратнинг максимал комбинанцияси ва намлик нисбати акс эттирилди. Ушбу кўрсаткич инсон организмга тушаётган иқлим оғирлигини ўзида акс этади. Тадқиқот натижалари Science Advances журналида эълон қилинди.

«Бундан аввал биз неча ўн йилдан кейин нима юз беришини башорат қилган эдик, бироқ энди кўряпмизки, ҳозирданок катта ўзгаришлар рўй бермоқда», дейди Колумбия университети илмий ходими, мазкур мақоланинг муаллифи Колин Рэймонд.

Тадқиқот муаллифларининг эътибор беришича, экстремаль ҳарорат ва намликнинг нисбати улар қузатувни олиб борган вақт мобайнида икки баробарга ортган. Олимлар тузган жадвалда иқлим ўзгаришлари натижасида одамларнинг яшаш қийин



бўлиб кетадиган жойлар ва мамлакатлар рўйхати қўйилганча келтирилган:

1. Форс ва Мексика кўрφαзи сохилларига яқин жойлар, Ҳинд океани сохиллари.
2. Ҳиндистон, Бангладеш ва Покистоннинг катта қисми.
3. Қизил денгиз сохилларида ҳамда Калифорнияда.
4. Жануби-Шарқий Осиё, жанубий Хитой, субтропик Африка худудларининг бир қисмида.
5. Кариб ҳавзаси худудда.




## 27 қаватда яшайдиган 6 киши

Ушбу ғаройиб уй Ҳиндистондаги энг бадавлат кишиларнинг бири Мукеш Амбанига қарашлидир. Мукеш Дхирубхай Амбани Ҳиндистондаги Reliance Industries компанияси эгаси ҳисобланади. Унинг энергетика, нефткимё, текстель, чакана савдо ва телекоммуникация бўйича фаолият олиб бораётган корхоналари бор.

Осмонўпар бино «Антилия», деб номланган. Ушбу ғаройиб номни у XV аср харитасида акс эттирилган Атлантика океанидаги афсонавий орол номидан олган.

«Антилия» биноси чиқаголик меъмор томонидан лойihalаштирилган бўлиб, бинонинг қурилиши 7 йил давом этган. 2010 йилда қуриб битказилган уй 27 қаватдан иборат бўлиб, баландлиги 173 метр-ни ташкил этади.

«Антилия» дунёдаги энг баланд хусусий уй ҳисобланади. Унда бор-йўғи олти киши яшайди, яъни Мукеш Амбанининг ўзи, унинг онаси, хотини ва учта фарзанди. Уларга 600 киши хизмат кўрсатади.



Бинонинг дастлабки олти қаватида 168 та автомобилга мўлжалланган автотурагоҳ жойлашган. Уларга етгинчи қаватда автосервис хизмат кўрсатади. Уйда шунингдек, кинозал, балет зали, театр, фитнес клуб, спа-салон, ховуз, вертолёт қўнадиган майдон, «музли хона» ва турли хашаматли боғлар мавжуд. Бино баланд деворлар билан ўралган, уни қўлларидан автомат тутган одамлар кўриқлайди.

## ҚўШНИЛАРДА НИМА ГАП?

### Даромад солиғи прогрессив шкалага қайтади

Қозоғистон президенти Қосим-Жомарт Тоқаев жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғини прогрессив шкаласини жорий этиш ва мамлакат иқтисодиётининг таркибини ўзгартириш масаласини кўриб чиқишни топширди.

Ҳозир Қозоғистонда жисмоний шахслардан даромад солиғи ойлик маошнинг 10 фоизини ташкил қилади.

«Ижтимоий адолат йўлида иш ҳақи ва бошқа даромад турларига нисбатан шахсий даромад солиғининг прогрессив шкаласини жорий этиш масаласини кўриб чиқиш вақти етиб келди, деб ўйлайман. Прогрессив шкалада юқори маош олмайдиган фуқаролар бутунга нисбатан камроқ солиқ тўлайди, юқори маош оладиган ишчиларнинг тўлайдиган солиқлари опади», — дея баёнот берган Тоқаев.

Шу тарихи Қозоғистон расмийлари «катта миқдордаги ноаниқ иш ҳақи сегментини панадан олиб чиқади». Айтилишича, агар солиқ ставкаси камайдиган бўлса, «конвертдаги тўловлар ҳам камайди». Шу билан

бирига президент «судлик билан иқтисодиётнинг янги тузилмаларини ишлаб чиқишга қақирди» ва энергетика секторини «яшил» энергетикага асосланган ҳолда ислох қилишга даъват қилди.

Ҳозирча даромадлар прогрессив шкаласи, ставка ва қиймати белги-ланмаган — бу билан махсус ишчи гуруҳ шугулланади, дея хабар берди иқтисодиёт вазирынинг ўринбосари Мадди Такиев.

Қозоғистонда 2007 йилга қадар даромад солиғининг прогрессив шкаласи амал қилган эди, бироқ кейинчалик уни бир текисга алмашти-риб, ҳаммага бир хил ставка жорий қилинди. Ўшанда ҳам расмийлар бу қарорни худди ҳозиргидек фуқаролар даромадларини панадан очикка олиб чиқамиз, дея изохлашган эди.

Қирғизистоннинг Жалолобод вилоятида 3 майдан 6 майгача юз берган сел 6,3 млн. сом (80 минг доллар)лик зиён етказди. Бу ҳақда туман администрацияси маълум қилди.

Сел 6,3 млн. сом зарар етказди

Сел туфайли Олабука, Оксу, Ноокен, Борзқўрғон туманлари зарар кўрган. Катта сув экин майдонлари, боғлар, турар жой биноларига зарар етказган, умумий ҳисобда 53 бош қорамол-ни окизиб кетган.

Ўтган ҳафта сел Боткен вилоятида ҳам кузати-лди. Етказилган зарар 55 млн. 276 минг сомни ташкил қилиши айтил-моқда.

### Қирғизистон Тожикистон билан чегара постини ёпмоқчи

Қирғизистон Тожикистон билан чегарада-ги назорат ўтиш постларидан бирини ёпмоқ-чи. Бу ҳақда мамлакат бош вазири ўринбосари Акрам Мадумаров парламентнинг 12 май кунги мажлисида маълум қилган.

Депутат Таабалди Тиллаев чегара масалала-ри ҳал бўлмагунга қадар Тожикистон билан че-гаралар беркитилишини таклиф қилди, унинг тақдирлашича можаролар туфайли маҳаллий аҳоли ва чегарачилар зиён кўрмоқда.

Гап шундаки, 8 май куни Қирғизистон-Тожи-кистон чегарасида 4 гектар ердан фойдаланиш оқибатида можаро келиб чиқди. Тожикистон ўз харитасига асосланиб бу худудни ўзиники дейди ва шу сабабли қишлоқ аҳолиси қирғи-зистонликларни хайдаб чиқарган. Тўқнашув вақтида уч нафар қирғизистонлик чегарачи ўқ отар қуролдан жароҳатланди, улардан бири-нинг ахволи оғир экани айтилмоқда.

Тожикистон томони можаро учун масъ-улиятни қирғиз чегарачиларининг зиммаси-га юклаган ҳамда қўшни мамлакат ҳарбий хизматчилари ўртасидаги қарама-қаршилик туфайли Тожикистоннинг икки фуқароси оғир жароҳат олгани ҳақида баёнот берган. Бунинг натижасида Қирғизистон ва Тожикистон 8 май кунги чегара можароси туфайли ўзаро норози-лик нота алмашди.

Қирғизистоннинг Боткен ва Тожикистон-нинг Сўғд вилояти раҳбарлари икки томонлама учрашув ўтказди ҳамда масалани муҳокама қилдилар. Музоқоралар вақтида можара худу-дида келажакда низо келиб чиқмаслиги учун аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бо-рилиши, шунингдек, икки томонлама ҳамкор-ликни фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Фаластинлик киши коронавирус кийимни кийиб қизалоқ билан ўйнамоқда.



Фото «AFP», РИА Новости



# АҚЛНИНГ ҚУДРАТИ

Луқмони ҳақимнинг дарвозасига шундай ёзилган экан:

«Бизнинг ҳикматимиздан ўзини таниган, нафсини меъёрида тия олган ва бошига тушган ишлар тадбирини инсоф билан амалга ошира оладиган инсонгина фойдалана олади. Кимда шу сифатлар бўлса, кирсин, йўқса, то шуларни ҳосил қилмагунча қайтиб кетаверсин».

Ҳақимлар ҳикматга қуйидагича таъриф беришади: «Ҳикмат — нарсаларнинг ҳақиқатини инсоннинг имконияти етадиган даражада асл ҳолида билишдир».

## Икки нафас оралиғи

Дарҳақиқат, ҳикмат инсон ҳаётини тартибга солишга, унинг осойишта, сермазмун ва сермахсул ҳаёт кечиршига, хато-камчиликлардан, тойилишлардан холи бўлишга хизмат қилувчи юксак билимдир. Ҳикмат ақлни чархлайди, заковатни оширади. Ҳикмат билан иш тутиш инсоннинг оиладаги, жамиятдаги, ҳатто ўз наздидаги мартабасини кўтаради. Ҳикматлар инсонга ҳаёт тажрибасининг тайёр хулосасини тақдим қилади.

**Огоҳ бўл ҳамиша:**

*бу жаҳондир бор-йўқ,  
Ҳеч нарса йўқки унда  
кемтиги зинҳор йўқ,  
«Йўқ» десалар «бор» деб  
уни қил исбот,  
«Бор» десалар айла  
дадил инкор: «Йўқ!»*

Эсингизда бўлса, халқ эртақларининг барчаси даярли бир хил бошланади: «Бир бор экан, бир йўқ экан...»

Бундай муқаддима нимани аниқлатади?

Кузатган бўлсангиз керак: болалар қумдан чиройли уйлар қуришади. Бунинг учун анча вақт сарфлашади. Шундан хузурланишади. Кейин бир пасда ўша уйлари бузиб ташлашади. Энг эътиборлиси, бунга ҳеч ачинашмайди, ҳатто хурсанд бўлишади...

Бола учун қимматбахо, қадимий катта чинни гулдонни чил-парчин қилиш ҳеч нарса эмас. У бунга жуда оддий ҳолат сифатида қарайди. Унинг учун бору йўқ аслида бир нарса. Шу сабаб бордан ортқича гурурланмайди, йўқнинг қайғусини чекмайди... Боланинг табиатидаги ўзинга хос самимийлик тоза фитратнинг аломати бу.

*Эй қилибон қаҳр ила дутфунг шиор,  
Борни йўқ айламаку йўқни бор,  
Йўқ эдилар ҳар неки —*

*бор айладиң,  
Фаҳму хирад бориға ёр айладиң.*

Ҳазрат Навоийнинг бу сатрларида борлик ва йўқлик ҳақидаги ҳикматнинг туб моҳияти яққол кўриниб турибди.

Кўзимиз билан кўришимиз мумкин бўлган бу олам олдин йўқ эди. Кейин биргина «Бўл!» деган амр билан бор бўлди. Унинг йўқ бўлишига ҳам шундай бир амр қифоя. Дунё деган тебраниб турувчи бешик Яратганнинг ана шу икки буйруғи орасида ҳамиша илҳак туради.

Ўзимиз ҳам бир пайтлар йўқ эдик, кейин йўқдан бор қилди. Охир-бир кун фурсатимиз етиб, яна йўқликка кетамиз.

Умримиз олиб-чиқараётган нафаслардан иборат. Ҳар бир нафасимиз — умримиз. Шу нафасларнинг бирида боримиз, бирида эса йўқка айланамиз.



Улуғ ва донишманд бобомиз балки шу маънодадир бизга: «Ҳар нафасинг ҳолидан огоҳ бўл», дея таъкидлайдилар. Борлик ва йўқлик орасида саргардон банда умр сафаридан нимани орзулаяпти? Шу қисқа сафардан мурод нима? Ана шу саволларга топилган тўғри жавоб шу икки нафасни улкан саодатли ҳаётга ёки беҳудалик ортидан келувчи залолатга айлантиради.

Бору йўқни билмак учун энг зарур омиллардан бири — ақл. Бугун ақлимиз ҳаминкадар аҳволга тушиб қолди. Айни сабабга кўра, бору йўқ баҳсига ақлимиз етмайди.

Илгари аждоқларимиз ақлни ўстириш, уни тинимсиз чархлаб, машқ қилдириб, бойитиб ва ривожлантириб боришнинг турфа йўллари яхши билишган ҳамда шунга муттасил амал қилиб келишган. Хусусан, ақл ва унинг хусусиятлари ҳақида баҳс юритувчи мантиқ илмини пухта ўзлаштиришган. Унинг асосий қонуниятларидан кундалиқ турмушда, илм ва ижодда унумли фойдаланишган. Мантиқ қоидаларига кўра, бу оламдаги ҳар бир моддий нарса қайсидир миқёс асосида ўрғанилади. Масалан, сувни ҳажмини билдирувчи бирон идиш ё асбоб билан ўлчаймиз. Дейлик, ҳар бир челақка бир челақ сув сиғади. Демак, челақ нисбий. Унга икки челақ сув ҳам бемалол сиғаверishi мумкин, агар ўша челақ бу челақнинг ярми баробарида бўлса. Бошқа нарсалар ҳам шунга қиёс. Масалан, мантиқ қоидаларига кўра офтобнинг совуқлик даражаси ҳақида ҳам бемалол баҳс юритиш мумкин. Яъни, у нолга тенг. Демак, ҳамма моддий нарсалар қайсидир мезонга баробарлигидан келиб чиқиб фикр юритилади.

Афсуски, бугунга келиб биз ақл ва тафаккурга эътиборсизлигимиз туфайли ақлимиз ҳатто эркак-аёлни фарқлашга ҳам етмай қолди. Натжижада, бир жинс-

лилар орасида ҳам оила қуриш каби ақл ва мантиқдан миллиард қақирим йирок ҳодисаларга оддий ҳолдай қарайдиган, энг даҳшатлиси — изн берадиган бўлди.

Аслида гўдақнинг ақли катта одамниқидан анча кучли. Лекин бу ақл йиллар давомида йўқотиб борилади. Бу дунёнинг бор-йўқлигини билиш учун бизга бурнимиздан нарироқни кўрсата оладиган ақл зарур! Биз ҳамма нарсани тарикдеккина ақлимиз тарозусига тортиб, унга мувофиқ келмаса, дарҳол инкор этадиган бир ҳолатга тушиб қолганмиз. Бу — калтабинлик! Аҳмоқ киши ҳеч қачон ўзининг аҳмоқлигини тан олмагани каби биз ҳам ўз калтабинлигимизга асло иқдор бўлмаймиз. Тўғрироғи, бунга ақлимиз етмайди. Бу ҳақда Матназар Абдулҳақимнинг чиройли сўзлари бор:

*Гулдираган қаҳ-қаҳанг билан  
Ларза солиб осмон-фалакка.  
Отангни ҳажв қилганинг тўғри,  
Тўғридир қилганинг қалака.  
Агар чиндан ақли бўлсайди,  
Бўлса эди фаросат-фаҳми,  
Туздирмаган бўларди асло  
Отанга сендайин аблаҳни.*

Мантиқда келадиган яна бир машҳур мисол бор. Шиша идишнинг сув билан тўлдирилганлик даражаси ҳақида. Унинг бир қисмида суюқлик бор, бошқа қисмида эса йўқ. Бундай масалаларда мутлоқликка эришиш эса имконсиз. Шунга кўра, одамлар ҳам икки тоифага ажралди: идишнинг ярми тўла дейдиганлар ва идишнинг ярми бўш, дейдиганлар. Бу ҳам бор-йўқ орасидаги кичик бир баҳс.

Психологларнинг таъкидлашича, инсоннинг шу нуқтадаги нуқтаи назарига кўра у ҳақида анча-мунча маълумотга эга бўлиш мумкин. Яъни ана шу нуқтаи

назар некбин (*оптимист*) ва бадбин (*пессимист*) оламнинг чегарасини белгилаб беради.

Биз бирон нарсага қараганимизда ёки бирон нарса ҳақида фикр юритганимизда унинг ҳамма жиҳат ва хусусиятларини кўра олишимиз муҳим. Калтабинликдан қутилишнинг чораси шу. Бир нарса ҳақида хулоса чиқаришда шунчаки хомхалларга, тез-тез ўзгариб турувчи ёки бизни алдаб қўювчи хиссиётга эмас, аввало, соғлом ақлга таяниб фикр юритишимиз зарур. Ақс ҳолда, зинҳор тўғри хулоса чиқара олмаймиз.

Афсуски, бугун инсониятнинг бу табиий хусусиятига қарши жиддий кураш бошланган. Айрим паст савияли нарсаларни «маънавийат маҳсули» атаб кенг тарғиб қилинаётгани, оммага оқни қора, қорани оқ сифатида таништирилаётгани, аксар ишларда атайин ақсизлик қилиш талаб этилаётгани ҳамда бу замонавийлик, илғорлик ва нуфуз сифатида баҳоланаётгани соғлом ақлнинг тез орада муомаладан чиқариб юборишга қаратилган ҳаракатлардан баъзилари ҳолос.

*Ҳеч нарса йўқки унда  
кемтиги зинҳор йўқ.*

Буни дунёдаги ҳеч бир нарса камчилиқсиз бўлмайди, деб тушунмаслик керак. Масалан, осмон мукаммал қилиб яратилган. У гарчи устунсиз бўлса-да, устимизга қулаб тушмайди. Бирон жойи тешилиб, йиртилиб, эскириб қолмайди. Бошқа яратилар ҳам худди шундай.

Банданинг қўли билан яратилган ҳеч бир нарса эса нуқсондан холи эмас. Шунинг учун ҳам банд яратган ҳар бир нарсанинг мукамаллиги ҳақида ҳам, ноқислиги ҳақида ҳам соатлаб баҳс қилавериш мумкин. Фақат бунинг учун ўткир назар, теран ақл ҳамда таянч ва мушоахавий билимлар зарур. Яна қучли хотира ҳам.

Дейлик, сиз бир кишини яхши кўриб қоласиз. Ҳаёлингизда у дунёдаги энг мукаммал инсон бўлиб кўринади. Орадан вақт ўтиб сиз унинг камчиликларини пайкай бошлайсиз. Мутлоқ деб билган ҳақиқатингиз завоқ топади. Балки, бир кун иш ҳақиқатдан асар ҳам қол-

**Гўдақнинг ақли катта одамниқидан анча кучли. Лекин бу ақл йиллар давомида йўқотиб борилади. Бу дунёнинг бор-йўқлигини билиш учун бизга бурнимиздан нарироқни кўрсата оладиган ақл зарур!**

# НИМАДА?

*Сиз бир кишини яхши кўриб қоласиз. Хаёлингизда у дунёдаги энг мукамал инсон бўлиб кўринади. Орадан вақт ўтиб сиз унинг камчиликларини пайқай бошлайсиз. Мутлоқ деб билган ҳақиқатингиз завол толади.*

маганини кўрасиз. Шундай кезларда эсдан чиқармаслик керакки, бу дунёда онийлик ҳукм суради. Юзингизга тикка тушиб, кўзингиз камаштираётган куёш вақт ўтиши билан ўзини секин-секин четта олади. Дунёда ҳар оннинг ўз ҳақиқати бор. Бир лаҳзадан сўнг биз ўз кўлимиз билан ясаган ё ўйлаб тошган ҳақиқатимиз эскира бошлайди ва тезда яроқсиз ҳолатга келиб қолади.

...Эсимда, болаликда пахта терими чоғида куёш қайси биримизнинг эгтимиз бошида тургани ҳақида озқоқ бахшлардик. Ўша кезлар бизда куёшнинг ҳажми ҳақида ҳеч бир маълумот йўқ эди. Биз куёшни каттароқ барқашдай нарса деб ўйлар эдик...

**«Йўқ» десалар «бор» деб уни қил исбот,  
«Бор» десалар айла додил инкор: «Йўқ!»**

Назаримда, бу тушунчалар ҳар қандай масалала унинг бошқалар кўрولмаётган тарафларини кўришга ундайди...

Кўзнинг кўра олиш қувватига қалбнинг мунавварлиги ҳам қўшилиши зарур. Дейлик, деразадан қараган киши нималарни кўради? Дераза олдидаги ҳолатни. Бу яхши алобатга. Аммо нега у дераза олдидаги дарахтзор ортидаги йўлни, баланд-баланд биноларни, ўша томонда қасрлардадир ястаниб ётган тоғни, денгизни, уммонни, сув ортидаги қуруқликни, ундан нарироқдаги ўзи турган жойни ва қулгонинг орқасини кўрмайди? Ахир, Ернинг думалоклигига ҳеч кимнинг шубҳаси йўқ-ку! Шундай бўлгач, нега биз деразадан қараганда уч-тўрт кадам жойни кўриш билангина чекланиб қолганмиз? Нега минг-миг чакирим жойлар ҳам айнан мана шу дераза ташқарисидан эканини англамаймиз? Нега дунёқарашимиз шунчалар биқик ва тор бўлиб қолган?

Мукамаллик деган тушунча бор. Бу ҳар бир нарсанинг энг олий даражаси дегани. Ундан хабаримиз бўлмаса, кўлмак сувни уммон фахрлаб ўтиб кетаверамиз. Аслида мукамалликдан хабари бўлган киши ноқисликни илғай олади. Йўқса, бор-йўқ баҳсининг унга алоқаси йўқ. У атиги биргина нарсани билади. Унинг ақлига шутгина сиғади. Кейин кўр ушлаганини қўймас, деганларидек, ўз жаҳолати боткоғига ғарқ бўлиб юраверади. Бундайларнинг равиши шу.

Мукамаллик шевасидан тотган киши эса ҳар қандай ноқисликни ҳис қила олади. Шу сабабли бор-йўқ баҳсида у фаол қатнаша олади. Юнон олимларидан бири «биз ҳамма саволга жавоб бера оламиз, фақат савол тўғри тузилган бўлса бас», деган экан. Худди шундай, дунёдан зарра тополмайдиغانлар сафида заррадан дунё топа олувчилар ҳам бор. Бу баҳсининг бекиёслиги шунда.

Биз ҳар бир нарсанинг мусбат ва манфий томонларини аниқ-тиник кўра олишимиз шарт. Бу инсон умрининг моҳияти билан боғлиқ. Абу Ҳанифа (Аллоҳ раҳмат қилсин) фиксига инсоннинг ўз фойдаси ё зарарига қилинадиган

ишлар ҳақиқатини билишидир, деб таъриф берганлар. Демак, ҳар бир инсон бу дунёдаги ҳар бир нарсанинг барча хусусиятларини тўлиқ билмоғи зарур. Шундагина у фойда ва зарарни ажрата олади. Чунки ҳар бир нарсанинг жавҳарида фойда ва зарарлар бор. Бундан хабарсизлик инсон ҳаётини таназзулга ғарқ қилади.

Имом Аъзам (Аллоҳ раҳмат қилсин) «Таҳорат қилмай намоз ўқийдиган, ўлимтик ейдиган киши ҳақида нима дейсиз?» деганларида шогирдлар шоша-пиша у кофирдир, деб жавоб беришди. Устоз тушунтирдиларки, таҳорат қилмаган киши таямму билан намоз ўқиси мумкин. Айрим жонотлар, хусусан, балиқни ўлимтик ҳолда ейишга изн берилган.

Бу бугун бизга анча жўн туюлади. Сабаби ўша маълумотлар билан танишмиз. Аслида бошқа маълумотлар билан ҳам таниш бўлиш бошқа масалаларни ҳам ақл, ҳис ва фаросат билан осонгина ҳал қилишга ўргатади.

Инсонга фойдаларни ўз ҳаётида бор этмак, зарарларни эса йўқотмак вази-фаси тоширилди. Шу сабабли авлиё зотлар инсонларга бирон нарсанинг фойдаси ё зарари борлигини кўрсатиб берувчи, ўргатувчи муаллимлардир. Айниқса, улар бу баҳсада жуда моҳир бўлганлар. Минглаб шайхларни тарбиялаган шайх вали тарош ўз шогирдларига (шу рубоий воситасида) пайғамбарнинг вориси аслида қандай бўлмоғи кераклигини уқтиради.

Ҳар қандай нарса бор ё йўқ бўлади. Учинчиси мустасно. Шу қоидага кўра, баъзан борлар йўқ, гоҳида эса йўқлар бор ҳисоблади. Бу жўн бир мантик. Лекин айримлар уни хотирдан фаромуш қилиш билан тўғри фикрлашдан ва шу орқали тўғри ҳулоса чиқариб, тўғри қарор қабул қилишдан адашади. Ҳар бир инсон умри давомида ҳар қуни, ҳар лаҳзада кўплаб қарор қабул қилади ва шу асосида яшайди. Демак, умримиз бизнинг қабул қилаётган қарорларимиздан иборат. Нотўғри фикрлаш — нотўғри ҳулоса чиқаришга, нотўғри қарор қабул қилишга, нотўғри қарор қабул қилиш иш-амалларимизни нотўғри йўлга қўйишга олиб келади. Умр нотўғри йўналишга томон оғиб кетади. Масалан, касал бўлган кимса касалликни қандай қабул қилади? Албатта, оғриниб, хуш кўрмай, жаҳл чиқиб, норозилик билан, асабийлашиб ва хоказо... Сабаби у ўзига берилган ҳолатдан ҳеч бир хушхабар тона олмайди. Касалликнинг турган-битгани ёмонлик, деб ўйлайди. Ундан кўрқадди, ҳаяжонланади, асабийлашади ва унинг учун куч-қувватини беҳуда йўқотади. Шу касаллик ортидаги не-не афзалликлар эса унга кўринмайди. Бойси, онгини жаҳолат зулмати қоплаб олган. Жаҳолат зулмати бу билимсизлик, дегани. Ана шу билимсизлик уни нотўғри ўйлаш, нотўғри ҳулоса чиқариш, нотўғри қарор қабул қилишга ундайди.

**Туробжон АБДУРАЗЗОҚ,  
Сурхондарё вилояти**

« Ҳар йил минглаб йигит-қиз ФХДЁ идораларида никоҳдан ўтиб, дабдабали тўйлар ўтказиб, турмуш қуришяпти.

## ЁШЛАР НЕГА АЖРАШМОҚДА?

**Бунинг асосий сабаби нимада?**

Афсуски, уларнинг баъзилари орадан кўп ўтмасданоқ арзимас баҳоналар билан ажрашиб кетишяпти. Даъво аризалари кўриб чиқилаётган паллада маҳкама ҳакамлари берган «Сизни ажрашиш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилишга нима мажбур қилди?» қабилидаги саволларга жўнгина жавоб бериляпти: «Бизнинг табиатимиз бир-бирига тўғри келмаяпти». Тамом-вассалом.

Ўтган йил давомида биргина Хоразм вилоятида 8,5 мингта никоҳ ФХДЁ идораларида расман қайд этилган бўлса, ажрашишлар сони 0,6 мингтани ташкил қилди. Ажрашишлар Хива, Урганч, Қўшқўбир, Шовот ва Ҳазорасп туманида сезиларли даражада қузатилган.

2020 йилнинг январь-март ойларида вилоятимизда 5 минг никоҳ қайд этилган. Бу кўрсаткич 1000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффициентини 10,8 промиллени ташкил этганини аниқлатади.

2020 йилнинг 1-чорагида тузилган никоҳлар сони 2019 йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш сурьатлари Боғот (9,3%), Хонка (2,6%) туманлари ҳамда Хива шаҳри (2,2%) га тўғри келмоқда.

2020 йилнинг январь-март ойларида ФХДЁ идоралари томонидан 0,3 мингта никоҳдан ажралишлар расман қайд этилган. Бу эса мос

равишда минг аҳолига нисбатан никоҳдан ажралиш коэффициенти 0,6 промиллени ташкил этганини тасдиқлайди.

Ажрашишлар сонидан 2019 йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш сурьатлари Урганч шаҳри (5,6%) ва Ҳазорасп (12,9%) туманларида тўғри келмоқда.

Ҳар бир ёш йигит-қиз никоҳдан ўтиб, турмуш қурган, бахтли-содатли ҳаёт кечиршни истайди.



Аслида ана шу эзгу истак ва умидларнинг рўёбга чиқиши учун инсоннинг ўзи астойдил курашмоғи лозим. Эр-хотин бир-бирига нисбатан муҳаббат, ўзаро ишонч ва садоқат билан оила пойдеворини мустаҳкамламас экан, ҳеч қачон ҳавас қиладиган даражада ҳаёт кечиролмайди.

**Пўлат ЭРМАТОВ,**

*Хоразм вилояти статистика бошқармаси ахборот хизмати бош мутахассиси*

### ФОТО-ЛАВҲА



**Тошкентда бунёд этилган Ғалаба боғидаги «Матонат мадҳияси» ёдгорлик мажмуаси**

Бу ёдгорликка ҳаётда бўлган воқеа – мўътабар она ва унинг оиласи тўғрисидаги ҳақиқат асос қилиб олинган. Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшаган Зулфия ая Зокирова Иккинчи жаҳон урушида бир эмас, беш ўғлидан – Исоқжон, Аҳмаджон, Мамажон, Ваҳобжон, Юсуфжон исми азиз фарзандларидан жудо бўлган. Унинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолган. Келинлари ҳам Зулфия аядан ўрнак олиб, ўз оиласига содиқ қолган, бошқа турмуш қурмаган.





Қорлар эриб, баҳор нафаси уфуриб қолган ойдин кечаларнинг бирида сомонхонадан ит болаларининг фингишгани эшитилди. Фермер Рустам амаки ошиқиб шу томон йўналди.

БИР БОРИБ КЎРИНГ

# Арчаота

*Дунёдаги энг йирик игна баргли дарахт ҳақида биласизми?*

**М**ўйноқнинг болалари бор-йўғи иккита эди. Бирининг кўзлари чакнаб ёниб турар, ранги ҳам кўкиш-қорамтир. Қизик, туғилган кучукваччалар бир неча кун кўзларини оча олмай ғужанак бўлиб ётишди. Шу тобда беихтиёр ўтган йилнинг илик куз кунлари унинг ёдига тушди.

Галла ўрим-йиғими тугаб, даладан қайтган чўпон-чўлиқлар отар қўйлари билан тоғлар оралиғидаги қора уй — ўтовга ўрнашиб олган кезлар. Шом пайти Мўйноқ ғишиб, овози бирдан тинди. Кейин бир haftача кўринмай қолди. Бир куни тонг саҳарда ўтов ёнидан унинг хуриши эшитилди. Фермер хурсанд бўлганидан хуржундаги қотган ноиларни олиб, ташқарига чиққан захоти тепаликда чўнкайиб ўтирган ёлдор бўрига кўзи тушди. Аввалига бироз сесканиб туриб қолди, сўнгра йирткич секин-аста узоқлашди...

юмушлари билан банд. Рустам амаки нотаниш яйловда сурув ортидан юравериб совуқдан жунжикиб тамоман холдан тойган бўлса ҳамки, унинг фикри хаёли Бўрибосарда эди. Чунки садокатли итини яхши кўрар ва эъозларди. Кушхона (оziқ-овқат ва кийим-бошларнинг вақтинча сақланадиган жойи) чамаси йигирма беш-ўттиз чакирим ортда қолган, уни кўриқлаётган итининг овкати нима бўлдикин?

Фермер бир hafta яйлов кезиб хориб-чарчаб қайтиб келган захоти сурувини бир жойга тўплаб кушхона томон ошиқди. Очлик азобини тортаётган содиқ ити меш, хуржундаги гўшт бўлақлари, тегирмон уни ва кулча ноиларни смаган. Аммо бир қадам ҳам нари жилмай кушхонани зийраклик билан кўриқлаб турарди.

Рустам амаки Бўрибосарнинг садокатидан ҳайратланганча чарчоғини

Бу ҳақда билишни истасангиз сизни Форишнинг юксак ва улугвор тоғлар бағрида жойлашган, одамларни ҳалигача ҳайратга солиб келаётган қадимий Мажрум кишлоғига чорлаймиз.

Улугвор тоғлар салобати олдида инсон бош эгиши тайин. Бир қарашда инсонни ҳайратлантиришга қодир, мангуға занжирланган бу тоғларга ўлмас қоялар ҳамда сирли, қалин ўрмонлар ўзгача жозоба бахш этиб туради. Жиззахнинг Амир Темури дарвозасидан бошланиб олис-олис манзилларга қадар чўзилиб кетган Нурота тоғ тизмалари ҳам ана шундай улугвор ва сирли. Шу тоғ тизмаларида жойлашган Фориш туманида Можрум деган сўлимгина, кўркам бир кишлоқ бор. Ҳавоси тоза, табиати оромжон, сизиб чиқаётган булоқларининг суви зилол ва шифобахш. Ичган сайин яна ва яна синкоргинг келаверади. Ажабланирлиси шундаки, бу ажиб манзилни чўккилари булутларга бўйлашган қорли тоғлар ўраб туради, ҳайвонот ва ўсимлик олами эса Нурота давлат кўриқхонасига туташиб кетган.



Албатта мумкин, фақатгина озгина ҳафса ва уриниш кифоя.

Маҳаллий аҳоли вакиллари бу улкан арчани Худонинг қаромати билан бир кечада пайдо бўлиб қолганлигини айтишса, яна бошқа тоифа одамлар эса жаҳоннинг фотиҳи Александр Македонский ўзига содиқ саркардаларини қора ер бағрига дафн этганидан сўнг, Савр арчасини ўтқазишга изн берганлигини ҳикоя қилишади. Яна бир гап. Одамлар бу манзилга кела туриб Нурота тоғлари бағридаги сон-саноксиз тилсим ва сир-синаотдан вокиф бўлиши учун ҳам бу дарахт шамолларга бастма-баст қад қилиб турган бўлса ажаб эмас. Нима бўлганда ҳам ҳар бир ривоятнинг маълум маънода ҳақиқат учкунлари бордай.

Бу манзилга етиб бориш осон эмас. Йўллар тор, нотекис, юриш қийин. Устига-устак алоқа воситаларидан бемалол фойдаланишнинг иложи йўқ. Аммо бу сабаб ва баҳоналарнинг бирортаси ҳам одамларнинг дилига туккан арчаотани бир кўриб келиш фикридан қайтара олмайди.

Тоғларда доимий равишда шабада эсиб туради. Ана шу шамол бу манзилда похта қийдирилган тождек виқор билан турган Савр дарахтини у ёқдан-бу ёққа охиста тебратди. Бу бир қараганда

## Бўрибосар



хам унутиб, беихтиёр уни қучди.

Ўтган йилги совуқ қишини кўйчивонлар сира эсларидан чиқаришмайди. Ёмғирдан сўнг тўхтовсиз қор ёғиб, аёз бошланса ҳам кичик хўжаликда ҳаёт осуда кечарди. Чўпон-чўлиқлар бундай аёзли кунларда совуқни енгиш учун жониворларни бир дам ҳам тўхтатмай яйловда ҳайдаб туриш лозимлигини яхши билишарди. Аччиқ совуқ чўпонларнинг юз-қулоқларини чимчиласа-да, шомгача Чукурсой яйловларида бўлишиди.

Ўтовга қайтар чоғи қутилмаганда қўйлар хурқиди. Фермернинг қийкириғидан сўнг Бўрибосар узоқдан турибқоқ жондор ҳидини илғади шекилли, бир зумда бу ерга етиб келади ва унинг ортидан қувлайди. Фермер ҳам шовшганича қўйларни ёрдамчисига қолдириб, жийрон қашқа жуганини улар кетган томонга бурди.

Рустам амаки бир кир ошғач, Бўрибосарнинг йирткич билан олишаётганини кўриб бироз саросималаниб қолди. Деяри тенгма-тенг олишув анчага чўзилди. Охири садокатли ити чаптастлик билан ракибининг ҳикилдоғидан олиб бир-икки қаттиқ силтайди. Жон талвасасида қолган йирткич икки букилиб ётиб қолган бўлса-да, ит ҳамон жағини унинг бўйнидан ажратмасди. Шундан кейингина чўпон отдан юраги бетламай тушаркан, қўлидаги камчи дастаси билан Бўрибосарнинг жағини ажратишга киришди. Хавотирга тушган бошқа чўпонлар ҳам бу ерга етиб келишганида йирткич жон таслим қилганди.

Рустам амаки бошлик кичик фермер хўжалиги кўйчивонлари оғзидан юрт бўрисиз, эл ўтрисиз бўлмас, деган ибора тушмайди. Негаки, кичик фермер хўжалигида йирткич ораляб, қўйларга чанг солиши уларни сергақлантириб турарди. Чўпон-чўлиқлар бундай ҳолларда кўпроқ Бўрибосарга ишонганлари учун кўнгулларни бирмунча хотир-жам бўлишарди.

Абдулла САИДОВ

*Очиғи, шу вақтга қадар арча дарахтининг уч минг йил умр кўрганлиги ҳақида маълумот қулоғингга чалинмаган. Лекин мана шу арчаота дунёдаги энг йирик игна баргли дарахтлардан бири экани шубҳасиз.*

асалари усидек гавжум жой. Ҳатто океан ортидан атайлабдан келган сай-ёҳларни ҳам учратиш мумкин. Арча танасини, шохларини ушлаб кўриб, ундан гўёки мислсиз куч-қувват, энергия олгандек бўлишади.

Танасининг диаметри тахминан йигирма тўрт метр, баланглиги йигирма метрча келадиган улкан арчани синчковлик билан кўздан кечирдим. Гадири-будур танасидан ўсиб чиққан шохлари, япроқлари гурқираб турибди. Очиғи, шу вақтга қадар арча дарахтининг уч минг йил умр кўргани ҳақида маълумот қулоғингга чалинмаган. Лекин мана шу арчаота дунёдаги энг йирик игна баргли дарахтлардан бири экани шубҳасиз. Шундай бўлган, нега энди арчаотани кўриш ниятида бўлган хорижлик ва маҳаллий сай-ёҳлар сонини кескин кўпайтириш чораларини кўриш мумкин эмас экан?!

бешикдаги боласини алла айтиб ором олишини кутаётган она ҳолатини эсга солади. Илохийлик тимсолига айланган бу чайир дарахтни кўрган одамнинг ҳаётга ошуфталиги ортади. Зеро, қулоқ етмас танаси дам паस्ता, дам юқорига, дам ўнита, дам чапта бурлиб-бурлиб кетган, шаполокдек-шаполокдек келадиган оқимтир-қўқимтир япроқлари шитирлаётган улкан Савр дарахти ўз ўтмишини сўзлашга опиқаётгандай таассурот қолдириб менда. Тоғлар бағридаги бу юксакликдан олис-олисларда қаттақдек-қаттақдек кўринаётган кишлоқ уйларига тикилиб, қалбини бирдан сокинликми, ҳаловатми ишқилиб пунга ўхшаш туйғу қамраб олди. Кечга яқин қадрон манзилларни ортда қолдириб, шаҳарга қайтдим.

Улугбек ЖУМАЕВ

# ТОМОРҚА УЧУН ЖАРИМА МАЪҚУЛЛАНМАДИ

« Газетамизнинг ўтган сонидида экин элмаган томорқа ер эгаларини маъмурий жавобгарликка тортишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилгани, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритилиши мумкинлиги ҳақида айтган эдик. Ва томорқачиликдаги муаммолар тўғрисида атрофлича мақола ҳам чоп этилган эди.



Кунни кеча ушбу масала юзасидан хушхабар чиқди. Гап шундаки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 11 май кунни бўлиб ўтган ялпи мажлисида айни мана шу қонун лойиҳаси қабул қилинмади. Яъни, Сенат ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий

жавобгарлик тўғрисидаги кодексига томорқа ер участкаларидан оқилона фойдаланилишини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақидаги қонун рад этилди.

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ерга эгалик қилувчининг таклифига асосан белгиланган

қишлоқ хўжалиги экинларини экин ҳақида расман огоҳлантирилганлигига қарамай томорқа ер участкасидан асосиз равишда оқилона фойдаланмаганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи модда билан тўлдирилиши керак эди.

Сенаторлар фикрича, ушбу норма амалиётда турлича талкин қилинишига олиб келиши мумкин. Жумладан, ундаги томорқа ер участкасидан «асосиз равишда» ёки «оқилона» фойдаланмаслик ёхуд «самарасиз» фойдаланиш каби тушунчалар қонун ҳужжатларида очиб берилмаган. Бу эса тегишли идоралар томонидан жавобгарликка тортишда коррупция ва бошқа суиистеъмолликларга замин яратди.

Ҳозирги кунда давлатимиз раҳба-

рининг кўрсатмасига асосан «Шахсий томорқа хўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Унда юқоридаги каби қонун ҳужжатларини мизда мавҳум бўлган тушунчаларни очиб бериш, шахсий томорқадан самарали фойдаланиш ва аҳоли даромдини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилаётган қўшимча тез қушларда ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини ҳам йўқотди.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда қонунни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Халқнинг, кўпчиликнинг фикри эътиборга олингани учун сенаторлардан миннатдоримиз.

## Бухорода тарвуз пишмоқда

«Вобкент марказий томорқа хизмати» МЧЖ томонидан жорий йилда кам таъминланган оилаларга субсидия асосида аҳоли хонадонларида 17 минг дон помидор кўчатлари ҳамда фермер хўжаликлари ва аҳоли хонадонларининг талабидан келиб чиқиб 13,2 минг дон ҳар хил турдаги мевали кўчатлар етказиб берди.

Аҳолининг даромадини ошириш мақсадида аҳоли хонадонларида икки ярусли иссиқхоналар қуриб фойдаланишга топширди. Бундан ташқари, жамият мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш, йилга 2-3 марта ҳосил олиш бўйича тавсия ва қўлланмалар бериб бормоқда.



— Аҳолига эртапишар полиз махсулотларини етиштириш бўйича тумандаги 0,8 гектар иссиқхонада 7 минг 676 дон тарвуз етиштирилмоқда, — дейди жамият раҳбари Саидмуҳаммад Ражабов. — Қувонарлиси, тумандаги «Кўлхатиб» маҳалла фуқаролар йиғини Сарқор кишлоғида 80 сотих ер майдонига «Томорқа хизмати» МЧЖ томонидан иссиқхона қурилган эди. Мазкур иссиқхоналарда эртапишар тарвуз кўчатлари экилиб, парваришланмоқда. Айни кунларда иссиқхонада тарвузлар пишиб етилиш арафасида.

Парваришланаётган бу тарвузлар бухороликлар томонидан биринчи мартаба экилган.

Президентимизнинг 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Бухоро вилоятининг 11 та туманида «Томорқа хизмати» масъуляти чекланган жамиятлари ташкил қилинган.

Мазкур жамиятларда 22 нафар доимий 110 нафар мавсумий ишчи ходимлар фаолият олиб бормоқда.

Зариф КОМИЛОВ,

ЎЗА

## МАҲАЛЛАНИНГ МИЛЛИОНЕР РАИСЛАРИ

### даромадни қаердан олишяпти?



« Хаёлинга келган тўмтоқ ва тумтароқ фикрларни қувиб ташланг-э! Отамзамонлар қоптими ҳозир!? Кимгадир «бола пули», «суюнчи пули» ё бўлмаса «моддий ёрдам» ёзиб бериш эвазига ўнта сўм-йигирмата сўмнинг пайида юрмаяпти бугунги раислар. Улгурганча улгуржи ишлашяпти ҳозиргилари...»

Хўш, маҳалла раислари миллионлаб даромадни қаердан олишяпти? Томорқадан! Ҳа, томорқадан! Қандай қилиб, дейсизми? Унда бир Бағдолга келиб кўринг. Яқин шарққа эмас, албатта Фарғонанинг Бағдолига-да!..

Иброҳимжон ака ўтган кузда томорқасининг 2 сотихига иссиқхона қурди. Қургандаям, хавасга: кирган борки, чиккиси келмайдди, денг: Тарам-тарам бодринг хосили қаричдан узун, помидор муштдан катта — аллақачон бўзариб-кизариб турибди.

— Ҳозирги замонда бировга гап уқтиришнинг ўзимас, — дейди «Шўроқер» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Иброҳимжон Жалолов суҳбат аввалида. — Қуруқ гапдан кўра амалий ишга иштиёқманд одамларимиз. Шунинг учун, томорқа — даромад манбаи эканини қуруқ гап билан айтиб кетавермай, ўзим шу нарсани амалда синаб кўришга жазм қилдим. Банкдан кредит олиб, икки сотих ерга иссиқхона қурдирдим. Барака топишсин, «Бағдод томорқа хизмати» МЧЖ йиғитлари қойиллатиб берибди буни. Кеч кузда кўкат экиб, икки миллион



сўмга пулладим. Бу йил эса она табиат уйғониб-уйғонмасдан помидор, бодринг, қалампир — ўзимда бор кўчатларни экдим. Мана, кўриб турибсиз, ҳадемай бозорга чиқарсак ҳам бўлади. Келаси йилдан гидропоника усулида кулпунай етиштиришнинг йўлга қўймоқчиман. Хуллас, иссиқхона — кони фойда экан, зарар кўрмайсиз экан. Фақат хоҳиш, кунт, сабр ва меҳнатга ошнолик бўлса, бўлди!

Раиснинг омилкорлиги бошқа ҳамкасбларига, маҳалладошларга ям юкяпти секин-аста...

«Пахтаобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ваҳобжон Зияев битта тухумни 20 минг сўмдан пуллашяпти-вееей! Ишонинг, бир дон тухум — 20 минг сўм-а! Яна, харидор дегани ўзи кидириб келади...

Гап шундаки, паррандачилик — Ваҳобжон аканинг хоббиси. Яқин икки йилдан бери ноёб зотли товуқларни парвариш қилади, кўпайтиради. Уларнинг тухуминиям, жўжаклариниям сотади. Қаерда, денг! Интернетда онлайн дўконлар орқали. Узим гувоҳман, харидорнинг кети узилмайди.

— Кунни кеча Олтиариқдан излаб келипти, — дейди раис. — Тўлаб юргандим, 30 та тухумни кўтарасига олиб, кўтариб кетишти. Шунанга, зотдор паррандаларни парвариш қилиш ҳам зўр даромадли иш. Шунини инобатга олиб, инкубатор шароитда уларни кўпайтириб, кизикқанларга сотаямиз, тавсия қилаймиз. Яқинда инкубатция аппарати сотиб олиб, ҳовлимизга ўрнатмоқчиман. Ана шунда ишимиз янаям жонланади.

Ваҳобжон ака қурқачилик билан ҳам шуғулланади: дастлаб



300 бош қурқак боккан бўлса, энди 1000-1500 бош қурқакни «сўрдим» демайди. Буям, жуда сердаромад соҳа экан, денг: раис акамиз бир йил тўй қилса, бир йил уй қуради, уларданам ортиб қолса, машинани янгилайди.

— Шукр, биргина давлатнинг ойлугига қараб қолмаямиз, — дейди хонадон соҳибни. — Ишдан бўш вақтларимда, асосан, эрта тонгда шу паррандаларни парваришлаб, қўшимча даромад олишнинг ҳаракатида бўляпмиз. Уч ўғилнинг ҳаммасини олий маълумотли, уйли-жойли қилдик — бариси оилавий тадбиркорликни йўлга қўганимиз, биримиз — ўн, ўнимиз — юз бўлаётгани ҳисобига.

Ваҳобжон ака ўзи билган нарсани маҳалладошларга ям ўргатяпти. Шу кунгача ҳудуддаги 15 та оилага 1000 бошга яқин жўжани имтиёзли нарҳда тарқатди. Керак бўлса, бирма-бир ўша хонадонларга бориб, парваришдаги полапонларни кўздан кечириб келади, маслаҳатлар беради.

Умуман олганда, Бағдолда шунанга омилкор маҳалла раислари сафи кенг. Биз хали, боғдорчилик билан шуғулланганидан Сиддикжон Умаров («Обод юрт» МФЙ раиси), чорвачиликни ўзлаштирган Тўлқинжон Раҳмонов («Қароқчи-тол» МФЙ раиси) ва яна, қуёнчилик, гулчилик, асаларчилик билан машғул қанчадан-қанча тадбиркор оқсоқоллар ҳақида гапирмадик. Кези келса, улар ҳақида ҳам қоғоз қоралаш ниятимиз бор.

Давлатжон ПОЛВОНОВ,

Бағдод тумани

## Кўзлар нега оғрийдими?

Кўзлар фаолиятида кичик муаммо одатий ҳаёт тарзининг бузилишига, иш қобилиятининг пасайишига ва биз визуал равишда оладиган маълумотни идрок этишининг ёмонлашувига олиб келади. Бундай муаммоларга нима сабаб бўлиши мумкин ва нега бизнинг кўзларимиз оғрийдими? Тушунтирамиз!



■ Кўз оғриғининг биринчи сабаби – мушаклардаги зўриқиш. Кўз мушаклари зўриқиш ҳолатида бўлганда компьютерда ёки телефонда доимий ишлаш оғрикли ҳисларга олиб келади.

Мушак зўриқишини бартараф этишда дам олиш ёки кўзлар учун махсус машқлар ёрдам бериши мумкин.

■ Иккинчи сабаб – куруқ кўз синдроми. Фильмдаги эпик жангни томоша қилаётганда ёки ўйин ўйнашда кўзларингизни деярли милтилатишдан тўхтаганингизни пайкаганмисиз? Албатта, чунки ҳеч ким энг кизикарли лахзани «ўтказиб юборишни» хохламайди. Аммо кўпчилик бу шох пардани ювадиган лакримал суюқликнинг пасайишига олиб келишини билмайди. Бундай доимий юклама куруқ кўз синдроми деб номланувчи куруқ керагитнинг ривожланишига олиб келади.

Махсус намлантирувчи томчилар ёрдамида куруқликни камайтириш мумкин. Ва бу



қанчалик галати эшитилмасин, кўзларингизни милтилатиб туришни унутманг.

■ Кўз оғриғининг яна бир сабаби – шох парданинг шикастланиши.

Қундалик ҳаётда энг кичик ташки зарралар доимо кўзга тушади: чанг, ифлос нарсалар, ғубор ва бошқалар. Бунда дарҳол ёқимсиз ҳислар пайдо бўлади, кўзга тушган бегона нарсалардан халос бўлиш учун биз кўзларимизни каттиқроқ ишқалай бошлаймиз. Аммо бу ноқулайликдан халос бўлишга ёрдам бермайди.

Бундай ҳолда, биринчи навбатда, кўзни оқадиган сув билан ювиш керак. Агар шундан кейин ноқулайлик йўқолмаса, яхшиши офтальмологга мурожаат қилиш керак.

■ Тўртинчи сабаб – бу кўзлардаги оғриқни келтириб чиқарадиган турли хил касалликлар.

Ушбу касалликларга қуйидагилар қиради:

- Конъюнктивит;
- Говмичча;
- Синусит;
- Каналикулит;
- Глаукома;
- Кўз жароҳатлари ва шикастланишлар.

Кўз оғриғи умуртка касалликлари, аутоиммун патологиялар, бириктирувчи тўқима касалликлари ва бошқаларнинг аломати бўлиши ҳам мумкин. Шу сабабли, ўзбошимчалик билан даволашга уринманг.

Манба: AskDoctor.uz

## ТАБИАТ НЕЪМАТИ

Кулупнай – барча бирдек яхши кўрадиган ноёб табиат неъматидир. У ёрқин рангга, бетакрор тазмга ҳамда димоқни қитиқловчи хушбўй ҳидга эга. Ушбу резавор меванинг организмга фойдали томонлари кўп. Аини вақтда унинг зарарли жиҳатларини ҳам эсдан чиқармаслик зарур.

# ҚУЛУПНАЙ –

## ОРГАНИЗМ ТОЗАЛОВЧИСИ

Кулупнай ўз таркибида А, С, РР, В, Е, К витаминларни, пектишлар, клетчатка, макро ва микро элементларни сақлайди. Таркибида организм учун зарур бўлган фоллий, лимон ва олма кислоталари мавжуд.

Аини ҳозирги мавсум давомида беш килограммгача кулупнай истеъмол қилсангиз организмгиз тозаланиб, кингиз янгиланади.

Кулупнай:

- қонга фойдали таъсир қилиб қизил қон таначаларини меъёрида қўлайтиради;
- энгил антибактериал таъсирга эга бўлиб, терини соғлом қилади;
- ичаклар микрофлорасини ва овуқат ҳазмини яхшилайди;
- қувонч ва бахт гормонини ишлаб чиқаришга ҳисса қўшади;
- иммунитетни кўтарайди;
- қон томир ва тўқималарни мустаҳкамлайди.

Кулупнай нафақат саломатликка, балки қайфиятни кўтаришга ҳам ёрдам беради.

Ушбу меванинг организмга салбий таъсир этадиган жиҳатларини ҳам унутмаслик зарур.



Ошқозон яраси касаллиги, ўн икки бармоқли ичагида муаммоси бор кишиларга, қизилўнғач касаллигида кулупнай тавсия этилмайди. Ҳомиладорлик вақтида ва эмизикли аёллар меъёрида истеъмол қилишлари зарур.

Кулупнай аллергия чакирувчи мева ҳисобланади. Шу боис мутахассислар уч ёшга тўлмаган болаларга, диатез ва озиқ-овқатга аллергияси бор кишиларга кулупнай истеъмол қилишни тақиқлайди.

Озиш учун парҳез вақтида ҳам кулупнайни бемалол истеъмол қилиш мумкин.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

«SARS-CoV-2 коронавируси турли юзаларда бир неча соатдан бир неча кунгача яшashi мумкин. Бу ҳақда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти расмий вакили Маргарет Харрис Женевадаги брифингга маълум қилган, дейилади РИА Новости хабарида.

«Бу борада жуда кўп тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бизда вирус юзаларда узоқ вақт яшashi мумкинлиги ҳақида муҳим маълумот бор. Бир неча соатдан бир неча кунгача. Шундай экан, ёнидан доимо одамлар ўтадиган юзалар зарарли бўлиши мумкинлигини унутмаслик керак. Аинан шунинг учун ҳам кўлни ювиш кераклигини тинмай гапираемиз», – деди у.

Харриснинг сўзларига кўра, дезинфекция ниҳоятда муҳим омил саналади. Фаррошлар ва ахлат ташувчилар эса инфекция тарқалишига қарши курашда муҳим роль ўйнайди.

### Коронавирус бўйича дунё хабарлари

• Ок уй Доналд Трамп маъмуриятида ҳар кун фаолият юритувчи ғарбий ка-

# Коронавирус

## Ташқи муҳитда қанча яшайди?



нот ходимлари доимий равишда никоб тақишлари тўғрисида буйруқ берди, дея хабар берди «The Wall Street Journal».

АҚШ вице-президенти Майк Пенс ўзини ўзи изоляция қилди. Жума кунининг матбуот котиби коронавирустан зарарланган эди.

• Коронавирус эпидемиясининг илк тўлқинини муваффақиятли камайтира олган Германияда яқин кунларда ўз-ў-

зини изоляциялаш режими энгиллаштирилгандан сўнг инфекция тарқалиши суръати яна кўпайгани маълум қилинди – «Reuters».

• Россия президенти Владимир Путин дам олиш кунлари тутагани тўғрисида маълум қилди. 12 майдан бошлаб чекловлар режимидан босқичма-босқич чиқиш бошланган. Мамлакат бўйлаб ҳар қандай оммавий тадбирлар ҳозирча тақиқланади ва барча қатъий равишда санитария қоидаларига риоя қилиши лозим. Коронавирус пандемияси шароитида Россия иктисодиётини қўллаб-қувватлаш ва фуқароларга бевосита моливий ёрдам бериш бўйича янги чора-тадбирлар қабул қилинди – «Ведомости».

• Буюк Британия ва ЖССТ коронавируси пандемиясига қарши кураш бўйича глобал ахборот кампаниясини ташкил этмоқда. «Гарқатишни тўхтатиш» кам-

панияси вирус ҳақидаги нотўғри ва ёлғон ахборотга қарши курашга йўналтирилди ва BBC World телеканаллари, веб-сайтлари ва иловаларида узатилади – «Guardian».

• Туркия президенти Р.Эрдўган душанба кунини коронавирус тарқалишининг олдини олишнинг янги чора-тадбирлари доирасида 16 майдан бошлаб Истанбул ва бошқа йирик шаҳарларда 4 кунлик изоляция эълон қилди – «Barron's».

• Индонезия ҳукумати ишсизлик ва ишдан бўшашнинг олдини олиш мақсадида COVID-19 нинг оғир даражаси ҳавфи камрок бўлган 45 ёшгача бўлган одамларга уйдан ташқарида ишлашга руҳсат беришни режалаштирмоқда – «The Jakarta Post».

• «Johnson & Johnson» (АҚШ) фармацевтика компанияси 2021 йилда коронавирусуга қарши миллиард дозгача вакцина ишлаб чиқаради. Компания вакцинани жорий йилнинг охирига қадар ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда – «The Hill».

• Жанубий Кореяда вирус юктирган шахс бир неча клуб ва барларга борганидан сўнг 101 та янги COVID-19 ҳолати қайд этилди. Сеулда барча кўнгилолар муассасалар ёпилди – «Yonhap News Agency».

АОКАнинг расмий Телеграм каналдан олинди.

# ЯРАТУВЧАНЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ



«Hududgaz Toshkent» масъулияти чекланган жамияти ходимлари аҳолига ва иқтисодий тармоқларининг барча истеъмолчиларига табиий газни ўз вақтида етказиб беришга бутун диққат-эътиборини қаратган. Табиатнинг ушбу неъматидан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барқарор ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Буни тўғри англаган корхона жамоаси Тошкент вилоятида ишни ташкил қилишда истеъмолчилар манфаатини асосий ўринга қўйган.

## Ориятли одамлар аҳди


Бир томони қорли тоғларга, иккинчи томони кирғоғига сиғмай оқаётган Сирдарёга, учинчи ёни жаннатмонанд боғу-роғларга туташиб кетган Тошкент вилояти. Одамлари чайир ва чўрткесар, меҳнаткаш. Лекин шуниси борки, бу ўзига хос феъл кези келганда ўзларига зап ярашиқли, мос тушади.

Тошкент вилояти... Кечмиши узок мозийга бориб туташадиган Ўзбекистонимизнинг жуда қадимий ва бой тарихи билан алоҳида аҳамиятга эга бўлган кўҳна гўшаси. Ҳар қарич тупроғи қанча сир-синоатга, бемисл бойликларга эга бўлган замин. Бу мафтункор ва файзли воҳа бутун бор бўйича ястаниб ётади. Унинг қулочи кенг бўлиб, Европадаги сал кичикроқ давлатларнинг худудига тенг келиб қолади, дейишади. Воҳанинг бир томони Қозоғистон Республикаси, Сирдарё соҳиллари билан туташиб, яна бир томони Тожикистоннинг Ашт тумани, Наманган вилоятининг қорли чўққиларни чулғанган Поп тумани ёнгинасига бориб тўхтайдиган Тянь-шан тоғ тизмалари, хув нарида шундоқкина, яққол кўзга ташланадиган юксак, қорли чўққилар пойига бориб такалади.

Аёнки, Аллоҳ назари тушган бошқа худудлар сингари Тошкент воҳасини яшнатиш, боғу-роғларга бурқаш, ўз-ўзидан битадиган иш эмас. Бунинг учун аввало миллий ғурур ва ифтихор керак. Тарихий хотирани титқилаб уйғотиш, қадриятларни англаш, орзу ва кўнгили водийларини яшнатмоқ жуда муҳим эди. Аҳамиятлиги ушбу муҳим ҳаракатда «Hududgaz Toshkent» масъулияти чекланган жамиятининг кўп сонли аҳил жамоаси ҳам ғайрат камарини маҳкам

боғлаган ҳолда фаол иштирок этмоқда. Бунинг яққол исботини жамоа ва унинг вилоят бўйлаб ёйилган барча бўлимларидаги кўтаринки кайфият, меҳнат шиддати, минглаб кишиларнинг вужудига сиғмаётган қувончлару, ғайрат-шижоатдан, айни вақтда аҳолига табиий газ етказиб беришдек машаққатли ва шарафли ташвишларнинг енгил-енгил шивиридан ҳам билса бўлади. Корхона ходимлари аҳоли билан учрашганда, мулоқотга киришганда шовилмайди, диққатини жамлаб, босиқлик, ички маданият билан иш юритади. Қундалик турмушда содир бўлиб турадиган ҳаётий муаммолардан кўп ҳам «санкираб», ўзини йўқотиб қўявермайди. Гоҳ улар шовилиб, туманлардаги газ таъминоти ҳолатини назорат қилиб борадиган масъулларга кўнғирок қилиб, маслаҳатлашади, калаванинг учини яъни муаммо ечимини тошгандек бўлади. Энг муҳими, зарур иш билан ташкилотга келган одамлар кўнғилига йўл топиб, масала муаммоларини ётиги билан тушунтиришга жон-жаҳдлари билан киришадилар.

— Давлатимиз раҳбари қатор кишиларида аҳолига ўз вақтида ва кечиктирмасдан табиий газ етказиб бериш заруриятини, халқни рози қилиш масъулиятини бот-бот таъкидлаб келади, — дейди «Hududgaz Toshkent» масъулияти чекланган жамияти бош директори вазифасини бажарувчи Шерзод Хусанов. — Биз чекимизга юклатилган вазифанинг нақадар залворли ҳамда шарафли эканини яхши англаган ҳолда, ишни бир маромда олиб боришга астойдил ҳаракат қилаёмиз. Шунинг учун филиал ҳамда унинг худуддаги барча бўлимларида аҳолига намунали хизмат кўрсатиш, одамларнинг оғирини



енгил қилиш, қўллаб-қувватлаш асосий мезонга айланган. Маълумки, бу жараёнда жуда кўп нарсалар салоҳиятли кадрларга боғлиқ. Ёш ва изланувчан мутахассисларнинг билим ва кўникмалари доимий тарзда ошириб боришмоқда. Жойлардаги газ тақсимлаш нукталари босқичма-босқич тарзда янги ва замонавийларига алмаштириб боришмоқда. Ниятимиз одамларни рози қилиш, уларнинг кўнғилига йўл топишдир.

## Имкониятлар минтақаси

Чиндан ҳам, бугун Тошкент воҳаси енг шимариб ишлаётганлар учун кенг имкониятлар минтақаси бўлиб қолмоқда. Қунда-қунора яхши ният, ҳам-қорлик қилиш илинжида ташриф буюрган дўст-биродарлари учун қалби очик қўналга. Ўзбекистонимизнинг гўзал Бош кенти – Тошкент шаҳрига туташ, сарҳадларимиздаги мухташам қошона.

Воҳани таърифлай туриб, яна бир муҳим жиҳатини эътибор марказидан четда қолдириб бўлмайди. Унинг қалби кенг, кўнғили тоғ меҳнат аҳлига осмон билан бўйлашадиган Чотқол тоғ тизмалари, Қурама тоғининг паст-баланд, туянинг ўрқачини еслатувчи серхосил адирлари мўл-қўл, етарлича сув етказиб бериб туради, гоҳ салқин, гоҳ мўътадил тоза ҳаво пурқаб туради. Агар бошлаб таърифлайдиган бўлсак, бамисоли шу жаннатмонанд худуднинг табиатидек саховатли, мурувватли, чайир, чўрткесар, тили бурро, танти, ориятли меҳнат аҳли чанқаб қолмаслиги учун, кўёшли кунларда беҳаловат бўлмасликлари учун чин меҳрибонлик кўрсатилаётгандек. Тоғдаги юксак чўққилардан оқиб келаётган зилот сувлардан, шифобахш тоза ҳаводан мўл-қўл ҳада этиб, савобга қолаётгандай гўё. Ҳа, чиндан ҳам, «Hududgaz Toshkent» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ўз юмушларини вақтида адо этиб, табиий газ етказиб бериб инсонларга яхши кайфият улашаётгандек.

Аслида вилоят туман ва шаҳарларини жадал суръатлар билан ривожлантириб бориш, шаҳар инфратузилма объектларини куз-киш мавсумида барқарор ва узликсиз ишлашга босқичма-босқич тайёрлаб бориш «Hududgaz Toshkent» масъулияти чекланган жамияти жамоасининг асосий иш фаолиятини тапқил этади. Мазкур жараёнда минтақа худудидаги барча истеъмолчиларни уздуксиз равишда табиий газ (шунингдек, суюлтирилган газ) билан таъминлашга жиддий аҳамият берилади. Шу мақсад-

да 2020 йилнинг 1 март ҳолатига кўра барча истеъмолчилар ўттиз еттита газ таъминлаш шохобчалари ҳамда ўттиз саккизта тармок орқали табиий газ билан таъминланмоқда.

Хабарингиз бўлса керак, газ хўжалигида «қувирлардан келаётган ёнгилнинг табиий йўқотилиши» деган тушунча мавжуд. Аслида бу кўрсаткич ҳам кейинги йиллар бадалида кўшгина миқозларнинг хўжасизлик ва бепарволлигидан кескин кўтарилиб кетганидан ҳам асло кўз юмиб бўлмайди. Қолаверса, табиий йўқотиш миқдори ҳам тўла-тўқис корхонанинг зарарига ишлайди ахир. Тафовут қандай қопланади, деган савол юзага қалқиб чиқади. Албатта, таъминотчининг зараригада. Корхонада мана шуларни англаган ҳолда иш ташкил қилингани босқич бултур ва ўтган йиллар давомида ортиқча ҳаражат ва газнинг беҳуда сарфига асло йўл қўйилмади. Бу ҳолат истеъмолчи ҳамда таъминотчи корхона ходимларини беҳад мамнун этмоқда. Бунга маълум маънода аҳоли ҳонадонларида газдан фойдаланишнинг тежамли ҳамда аниқ ҳисоб-китоби тизимига ўтилгани ҳам сабаб бўлмоқда.

Вилоятда жорий йилнинг март ойи ҳолатига кўра, филиал тасарруфидаги участкалар балансидаги газ қувирлар 12 916,7 км.ни ташкил этади. Шунинг 1 661,9 км. юқори босимли, 3 224,0 км. ўрта босимли, 8 031,1 км. паст босимли газ қувирлари улушга тўғри келади. Бундан ташқари газ қувирларининг 3 093,1 километри ер остида, 9 823,8 километри эса ер устида жойлашган. Бу эса улардан доимий тарзда кўз-қулоқ бўлишни талаб этади.

## Ҳисобли дўст – айрилмас

Табиий газдан оқилона фойдаланишнинг бирдан-бир тўғри йўли уни жаҳон тажрибаси синовдан ўтган усул – маҳсул ўлчагичлар ёрдамида тақсимлашдир. Бусиз, гарчи қувирлардан арзон ёнгил тинимсиз оқиб келиб турса-да, «зангори олов»ни барча истеъмолчиларга бирдек етказиш мушкул. Сабаби битта: ҳисоб-китоб бўлмагач, оддийгина гугуртни тежаб мақсадида оловни кечасию, кундузи ўчирмайдиганлар, ёкиб қўядиганлар ҳам истаганча топилади. Энг аввало, истеъмолчиларга газ ўлчагичнинг афзаллиги, қудайлиги обдон тушунтирилади. Бу иш таъминотчига ҳам, истеъмолчига ҳам бирдек манфаат келтириши англашилгач, ўрнатишга киришадилар. Масалан, Қибрай туман-



Аслида вилоят туман ва шаҳарларини жадал суръатлар билан ривожлантириб бориш, шаҳар инфратузилма объектларини куз-киш мавсумида барқарор ва узликсиз ишлашга босқичма-босқич тайёрлаб бориш «Hududgaz Toshkent» масъулияти чекланган жамияти жамоасининг асосий иш фаолиятини тапқил этади.

# ҚАЛЬ АМРИГА АЙЛАНГАНДА

ни Усмон Юсупов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди Обихаёт кўчасининг бир юз саксон тўққизта хонадонига замонавий ҳисоблагичлар ўрнатилиб, улар регулятор орқали табиий газ билан таъминланмоқда. Қизиги, барча ҳисобдонлар онлайн дастурда мунтазам равишда кузатиб турилади. Қолаверса, ушбу хонадонлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уйларга газ ҳидини сезувчи сигнализаторлар ўрнатиб берилди. Натижада технологик ойлик йўқотишлар 2 430 м<sup>3</sup> газ тежалатган бўлди.

## Эл дардига елка тутиб...

Оддий одамлар ташвиши, дарду изтиробларига елка тутиш, уни ич-ичдан ҳис этиш, уларни аритиш олижаноб ҳамда нақадар савобталаб иш. Қолаверса, одамнинг оғирига ҳеч чўчимасдан елка тутиш, унинг орзу қуши парвозига кўмаклашиб бориш жамоанинг қундалик фаолияти асосини ташил этади. Мамлакат Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Обод кишлоқ» дастури тўғрисидаги фармони ҳамда «Обод кишлоқ» дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳудудидаги ўн бешта тумандаги қирқ бешта маҳаллада газ хўжалигини тартибга келтириш ишлари амалга оширилди.

Минтақанинг қирқ бешта маҳалласидаги мавжуд 196,6 км. узунликдаги газ қувирларини жорий таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда 283 километрдаги газ қувирлари жорий таъмирдан чиқарилиб, бўёқлаш ишлари бажарилди. Маҳаллалар ҳудудидаги икки юз ўн бешта газ тақсимлаш нукталари (ГНН)ни тафтишдан ўтказиш белгиланган эди. Бугунгача тўрт юз қирқ тўртта газ тақсимлаш нуктасини тўлиқ тафтишдан ўтказиш ишлари удаланди. Табиий газ етиб бормаган аҳоли хонадонлари ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Шу мақсадда хонадонларга бир минг эллик дона газ баллонлари тарқатилиши керак эди. Амалда эса бир минг тўққиз юз олтиш тўрт дона газ баллонлари тарқатилди.

«Обод маҳалла» дастури ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам кенг кўлам касб этмоқда. Вилоятнинг еттига шахридаги йигирма битта маҳаллада газ хўжалигини тартибга келтириш ишларига аллақачон киришилган эди. Йигирма битта маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги эллик бир километр газ қувирлари жорий таъмирланди ва бўёқдан чиқарилди, эллик иккита газ тақсимлаш нуктасини тафтишдан ўтказиш белгиланган ҳолда амалда саксон тўққизта газ тақсимлаш нуктаси тўлиқ техник тафтишдан ўтказилди.

## Қиш ўчоғи тор...

Ҳаво совуб, изғирин шамол эса бошлаши ҳамон аҳоли ўртасида табиий газга бўлган талаб ва эҳтиёж кескин ортади. Айни шу маҳалда соҳа ходимлари



зиммасидаги масъулият, жавобгарлик ҳисси ошса ошадик, бироқ қамаймайди. «Қиш ўчоғи тор» деган нақл ҳам айнан шу нуқтан назардан келиб чиқиб айтилган бўлса керак. Соҳа ходимлари куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш доирасида 21,9 км. газ қувирларини мукамал таъмирлади, 5,3 км. газ қувирлари реконструкция қилинди, 8 432 дона газ тақсимлаш нуктаси техник тафтишдан ўтказилди, 2 742,7 км. газ қувирлари босим остида зичликка ва мустаҳкамликка синовдан ўтказилди, 964,7 км. газ қувирлари прибор ёрдамида текширилди. Бу ишларни кам-кўстез бажариш учун старлича ишчи кучи ва зарур миқдорда техникалар ажратилди.

## Жавобгарлик ҳисси

...Тошкент воҳасининг яшиллик билан қопланган зумрад қишлоқларида бўлганмисиз? Баланд тоғлар, боғ-роғлар, кенгликлар, Сирдарё соҳилларига улашиб кетган сўлим кенгта жойлашган бу обод, ораста, саришта ошиён мафтунокор ва файзга тўла. Одамлари яқдил, ҳамфирқ ва ҳамнафас. Кексалари дуоғўй, ёшлари эса савобталабдир. Шунга мос равишда «Hududgaz Tashkent» масъулияти чекланган жамияти ходимлари орасида шундай бир удум борки, бошқа жойларда камдан-кам учрайди. Айниқса, улар ўз гарданига юкланган вазифани меъёрига етказиб бажармагунча сира-сира тинчимайди, ўзини жавобгар сезади. Бу ўтган авлодлардан меросдир. Жамоа аъзолари ана шу удумни ёддан чиқармаган ҳолда Қуйи Чирчик туманидаги «Суриш», «Сергели», «Беруний», «Маданият», «Йилкичи», «Кешек», «Пахтазор», «Токбой», «Баликчи» маҳалла фуқаролар йиғинларида, Охангирон туманидаги «Убайд» маҳалла фуқаролар йиғинидаги Шоштепа қишлоғи, «Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини, «Эйвалек» маҳалла фуқаролар йиғинидаги мавжуд газ қувирлари ва қурилмаларни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва тартибга келтириш ишларини ҳеч қандай оғрин-

масдан адо этмоқда. Хусусан, Қуйи Чирчик туманидаги Суриш, Сергели, Беруний, Маданият, Йилкичи, Кешек, Пахтазор, Токбой, Баликчи маҳаллаларидаги 10,9 км. газ қувирлари жорий таъмирланди. 1 245 км. газ қувирлари реконструкция қилиниб қайта тиклаш ишлари амалга оширилди, 1 135 км. газ қувирлари демонтаж қилинди. Шунингдек, 25,4 км. газ қувирлари бўёқланди, йигирма икки дона газ тақсимлаш нуктаси техник тафтиш қилинди, икки дона газ тақсимлаш нуктаси йўл ёқасидан хавфсиз жойга кўчирилди, бир дона янги газ тақсимлаш нуктаси ўрнатилди.

## Гашти гўзал гурунлар

Чойхонанинг сўлим сўрисидаги болишга ёнбошлаб олганича кўк чой симираётган чоллар Тошкент — Самарқанд йўналишида қатновчи «Афросиб» тезорар поезди йўл ёқасидаги газ қувирларини тартибга келтириш доирасида Янгийўл шахрида 0,455 км., Янгийўл туманида 0,52 км., Зангиота туманида 0,8 км., Чиноз туманида 5 км. газ қувирлари таъмирлангани ҳамда Янгийўл туманидаги 4,7, Янгийўл шахридаги 3,4, Зангиота туманидаги 3,7, Чиноз туманидаги 10 километр газ қувирлари бўёқланганини эшитиб, гурунни шу мавзуга буришди. Поез, вагонларида ўтирма ниҳа, йўл ёқаларини берилиб томоша қилиб кетадиган маҳаллий ва хоржий сайёҳларнинг кўзи энди бир қадар ёқимсиз манзараларга тушмайдиган бўлди. Отасига раҳмат, деб бири олиб, бири қўйиб бу ишни удалаганларни дуо қилишади.

«Яқинда кенжа ўғлим машинасига ўтказиб, Охангирон, Бўстонлик, Чиноз, Юқори Чирчик, Янгийўл, Ангрен тарафларни айлантирувди. Ўша саёҳат чоғида бир-биридан бежирим, обод гўшаларни кўриб қувондим. Ҳатто газ қувирлари ер устидан олинми ер остига кўчирилаётган экан — бу ҳам бир маданият, қолаверса хавфсиз...»

«Миш-миш бўлмасин тагин? — дейди Эшмурод ота иккиланиб. — Тавба бу гапни қардан топдинг, ошна?»

«Мен сенларга чўпчак айтаётганим йўқ, мусулмонлар, — тенгқурлари ишонмаётганидан хунуби ошади Ортки отанинг. — Саржинлаб ер ўлчашаётганини, қувурларни ер остига жойлаштиришаётганини ўз кўзим билан кўрдим...»

«Ҳа, барака топишин», дейишади қариялар ҳаммаси мамнун бўлиб.

## Обод уйда яшаётганлар

Ўз уйи, кичик Ватанига эга бўлиш ҳар бир инсоннинг юракда яширинган орзуси. Ҳамма ҳам ўз уйига кўчиб ўтишни сабрсизлик билан кутади. Бу гапларни эслатишдан мақсад шуки, соҳа ходимлари намунавий дойирлар асосида жойларда қурилаётган уйларга янги газ қувирлари тортиб келишмоқда. Масалан, Зангиота туманидаги Тўқимачи, Тарнов, Навбахор, Шодлик маҳаллари Д — 720 мм узунлиги 0,95 км., Ботир маҳалласи ҳудудидаги Д — 219-325 мм узунлиги 1,4 км., Ўрта Чирчик тумани Корасув маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Д — 325 мм узунлиги 3,5 км., Мустақиллик маҳалла фуқаролар йиғинидаги Д — 159 мм узунлиги 0,8 км., Чиноз тумани Бўзсув канали устидан йўналган Д — 273 мм узунлиги 0,2 км., Тошкент тумани Бунёдор маҳалласида Д — 720 мм узунлиги 0,2 км., Янгийўл туманидаги Охунбобоев маҳалла фуқаролар йиғинидаги Д — 526 мм узунлиги 1 км. ва Паркент туманидаги «Паркент» маҳалла фуқаролар йиғинида Д — 219 мм узунлиги 0,95 км. газ қувирлари узок йиллардан бери фойдаланилгани туфайли емирилишга учраган. Шу сабабдан улар «Ўзтрансгаз» АЖнинг 2020 йилдаги «Мукамал таъмирлаш ва реконструкция қилиш мақсадида дастурига киртилган.

— 2020-2021 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда бажариш мақсадида филиаллар баланисидаги 8 454 дона газ тақсимлаш нукталарини тафтишдан ўтказиш кўзда тутилган, — дейди «Hududgaz Tashkent» масъулияти чекланган жамиятининг газ қувирларидан комплекс фойдаланишни назорат қилиш бўлими бошлиғи Миржаҳвар Мирҳамидов. — Шу билан бирга, 225,7 км. газ қувирларини жорий таъмирлаш ва бўёқлаш ишларини амалга ошириш, юқори ва ўрта босимли 2 720,2 км. газ қувирларини босим остида зичликка синов, истеъмолчиларнинг газ жиҳозларида ўрнатилган кўлбола ва ностандарт газ жиҳозларини замонавий, жаҳон стандартларига мос, тежамкор газ ёндиргичларга алмаштириш ишлари ҳам доимий эътибор марказида бўлиб турибди. Мақсад мавсумни беталофат ва нуқсонларга йўл қўймастан ўтказишдир. «Hududgaz Tashkent» масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан яқиндан танишиб, кўплаб ажойиб кишилар билан учрашдим. Улар юрт тақдирига бефарқ бўлмаган, яратувчи, янгиликка ўч чинакам фидойилардир. Кишиларнинг эътиқодию, руҳиятига мана шулар янги-янги тўлқинлар бахш этмоқда. «Hududgaz Tashkent» масъулияти чекланган жамияти бош директори Лавозимда фольат юритаётган Шерзод Хусонов, газ қувирларидан комплекс фойдаланишни назорат қилиш бўлими бошлиғи Миржаҳвар Мирҳамидов, мутахассис Рустам Кодиров, жамият матбуот қотиби Улуғбек Хўжақулов билан суҳбат оловини гуриллатганимда, улар юрт иқтисодиёти ривож, одамлар оғирини енгиллатиш учун тинимсиз ҳаракатда эканига тўла амин бўлдим. Бу воқеада яратувчанликнинг янги оҳанглари таралаётганидан нишонча эди.

Улуғбек ЖУМАЕВ,

«Оила даврасида» муҳбири

«Hududgaz Tashkent» масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан яқиндан танишиб, кўплаб ажойиб кишилар билан учрашдим. Улар юрт тақдирига бефарқ бўлмаган, яратувчи, янгиликка ўч чинакам фидойилардир. Кишиларнинг эътиқодию, руҳиятига мана шулар янги-янги тўлқинлар бахш этмоқда.



тириб хижолат тортади. Бирон йил ўтиб муносиб оилалардан бирига совчи кўйишни, келин-у неварга кўришни кўнглига тугади. Писмик Боки отасидида бундай кайфиятни сезмай қолмайди. Аммо бундан қувонмайди. Аксинча, кўнглида яккаш алам ва нафрат ўт олади. Онасининг Офтобойим ҳақида кулоғига қуйиб юрадиган фиску фасодлари юраги тубини пармадек тилиб боради. Дастлаб у пинҳоний режасини шу бугунок амалга оширишни ўйлайди. Аммо меҳмонлар издиҳими аро бўладиган кўнглисиз ҳолатни тасаввур қилади, сирини ошқор бўлиш эҳтимолини чамалайди. Эрта тонгни кўзлаб режа устига режа тузади.

Ёш бўлишига қарамай, кўча боласига айланиб бўлган Боки ўғай онасининг ҳомиласи ҳақида хабар тошган пайдан бошлаб, бола туғилган кундаёқ туққан хотинни заҳарлашни кўнглига туққан, Бешим кал дегиш атторга мўл-кўл пул бериб заҳар топтириб келган, бу мудҳиш оғуни неча ойларки иштонбоғида сақлаб келади. Бугун у одатига хилоф равишда заҳарлаб уйғонди. Отаси масжидга чиқиб кетиши билан туққан хотинга атала пиширишга киришган синглиси Нодира атрофида парвона бўла бошлади. Ўтин келтириб, ўчоқ тағига ўт ёқди. Сув ташиб берди. Атала уни қоврилгунга қадар Нодира нима буюрса, қулбаччадек югуриб-елиб бажарди. Ҳатто синглисига хушомад тариқасида, ўғай отасиникидан ўмарган, тилла билагузукни ҳам совға қилди.

— Бу жуда киммат туради-ку! Қасрдан олдингиз, ака! — деди Нодира қутилмаган

совғани олов ёруғига солиб кўрар экан.

— Сенга деб олган эдим. Ўзим ишлаб топган ҳалол пулимдан, олавер. Ҳам суюнчи, ҳам ҳаля, — деди у бўйинни чап елкаси томон кийшайтириб, нон тилаган мушукдек синглисига мўлтираганча.

— Раҳмат, акажон! Топганингизга Аллоҳим барака берсин!

Нодиранинг кўзлари ёшланди. Ихтиёрсиз тарзда ҳаммалари бирга яшаган болалик кунларини эслади. Худо акамга инсоф берибди, дея ич-ичидан суюнди.

Атала қайнаб чиқди, маромига етиб пишди. Нодира бунинг хабарини бериш, сузиш-сузмаслик тўғрисида Офтобойим ва унинг қошида қақа-

бўлди. Масжидга кетганида аёлларнинг гангур-гунгури, бир кунлик чакалоқнинг «инга-инга»си билан тўлиб-тошган уйи қабристон тусини олган, ғимирлаган жон, тик этган товушга илҳақдек эди. Бу муборақ хонадон барпо этилмиш кунидан бери илк бор гунг, соқовга айланганди. Дафъатан ўлик сукунатни бузишга чўчиган Алимхон кўнглининг туб-тубидан яратганга истиғфору тасбех айтишга куч топа олди. Ғайришуурий шижоат билан чакалоқ туғилган хонага кирганда эса ғалати бир манзарага гувоҳ бўлдики, тилидан беихтиёр «субханоллох» калимаси сирғалиб тушиб кетди...

Хона марказига қурилган сандалининг тўр томонида солинган калин тўшакнинг

чойнақда совиб қолган чойдан сепди. Бироз ўзига келгач, эмаклаганча ошхонага югурди. Кеча ивителиган қатикни идиш-пидиши билан кўтариб келди-да, ёғоч қошиқни тўлдириб қизининг оғзига пайдар-пай қуя берди. Сўнг судралганча хотини томон ошиқди. Унинг кўқариб совий бошлаган юзларига қўли теккан заҳоти вақт ўтганини тушунди. Қутилмаган мусибат кўнглини муз, ақлни чакмоққа айлантдириб қўзқарди. Нодира ўзига келиб, ўғжий-ўғжий қуса бошлаганда Алимхон қайнонасининг оғзига ҳам уч-тўрт қошиқ катик қуйишга улгурган эди...

\*\*\*

Офтобойимнинг жанозасидан икки кун ўтиб қайғу ва холсизлик гунг қилиб қўйган Нодира тилга кирди. У сузган аталасининг биринчи тобоғини Офтобойимга олиб кирган. Ўзи ва бувисига атала сузиб киргунига қадар ғофил онаизор ўз қўллари билан қизига ўша заҳри қотилини ичирган. Ичига иссиқ атала кириб бир оз тетиклашган Офтобойим қолган аталани ўзи ичган. Бундан рухланган ҳамроҳлари ҳам бир-икки қошиқдан ичган бўлишган. Шундан сўнгги-на Офтобойимда безовталиқ бошланган. Дастлаб инграган, кейин бутун жисмини иситма ва калтироқ босган, тинимсиз ўғжиб қусган, орадан ҳеч вақт ўтмай кўқара бошлаган. Заҳар ўта кучли экан шекилли Офтобойимга қараётганлар ҳам қоринларида оғриқ туриб бўғила бошлаганлар. Кейин нима бўлганини ҳеч ким билмайди...

— Аканг қаерда эди, — отасининг бир оз ҳадик, бир оз

паршонлик билан берган бу саволини ўзича тушунган Нодира юм-юм йиғлаганча атала пишгунча бўлган ҳамма гапни тўкиб солди. Сўнг етим қолган чакалоқни, ташлаб кетган онасини, нонқўр ақасини гаширди. Андиша залвори оғир келди, хушидан кетди. Уч кунгача гоҳ хуш, гоҳ беҳуш бўлиб алахлаб ётди. Тўртинчи кунни Ҳожи табиб қилиб берган даф дори таъсирида ўзига келди. Ёш вужуд заҳардан зўр чиқди.

Офтобойимнинг онасини бир томондан заҳар таъсири қучдан қолдирган бўлса, бошқа томондан фарзанд доғи адо қилди. Олти ойлаб рамакижон бўлиб сурғалиб юрган бўлди-ю жонини Яратганга топширди. Шу олти ой ичиде бор меҳрини чакалоққа бериб улгурди. Эчки сути билан боқиб, қизалоқни оёкка турғизиб кетди. Эҳтимол, унинг ёдгора чакалоққа бўлган меҳри олти ойлик умр кивёфасида липпиллаб тургандир...

Ана шунда ништ қолиндан кўчди. Ота ўз зурриёдини дуо-ийбад қилди...

\*\*\*

Ота ўғилга Абдулбоқий деб исм қўйди. Ўнг кулоғига азон, чап кулоғига тақбир айтиб, «сенинг исминг Абдулбоқий, сенинг исминг Абдулбоқий» дея шивирлаган, «умрингу ризкинг, дунёю охираддаги саодатинг боқий бўлсин» дея ният қилган тиллар орадан ўн олти йил ўтиб «йўлда бўл-чўлда бўл, ўлгинг кўчада қолсин» деган дуойиббад калимасини айтиб юборди... Дуо ижобат бўлди. Ўғилнинг умри дарбадарликда ўтди, ўлиги кўчада қолди, майитга эга, жаноза ўқиш учун масжид топилмади...

Отабек ХАЙДАР

**Заҳар ўта кучли экан шекилли Офтобойимга қараётганлар ҳам қоринларида оғриқ туриб бўғила бошлаганлар. Кейин нима бўлганини ҳеч ким билмайди...**

лок боқаётган ўғай бувисидан руҳсат сўраш учун уйга кириб кетганда Боқининг минг йиллик қора нияти амалга ошди. У ҳатто туғишган синглиси, ўз отаси таомланиш эҳтимоли юз фоиз бўлган катта қозондаги аталага қўйнида ардоқлаб юргани заҳарни қўшди. Ёғоч чўмич билан яхшилаб аралаштирди-да, илондек сирғалиб ҳовлидан чиқиб кетди.

\*\*\*

Бомдод намозидан кўнгли ғаш бўлиб уйга қайтган Алимхон ховлидаги фавкулудий сукунатни туйиб дастлаб ҳайрон

юқори қисмида чакалоқ беозор ухлаб ётар, унинг ёнида кечанига кўзи ёрган Офтобойим сулув юзларини тириштириб, тилини ғарчча тишлаганча тош қотган, сандалининг ўнг қадагида қайнонаси беҳуш бош қўйган, чалқанчасига ўзини билмай ётган Нодиранинг ўнг қўлида атала юки қошиқ, ёнида сопол тобоқ думалаб ётарди. Унинг кўнглида гумон қумолиси ғимирлади. Аммо ҳозир ўз гумонларини тафтиш этгудек ахволда эмасди...

Алимхон шитоб бориб қизини кўтариб олди. Юзига

				Оҳори туқилмаган				...гономертия,		Дусти билан ... уйинг			
Нуфуз	Ҳаёт (лотян)		...-ёзиш	Қазикартали таом		Икар юрти				12 ой	Ила		Танбех, койиш
						Рақам		Оёғи узун қуш					
Компьютер экрани	Мўлжалдаги белги			Нафар, дона					Янги йил дарахти		Пойтахти Луанда (Африка)		Зафар қозониш
			... Диол (актриса)	Маска (ўзбекча)	".... погоди!"	Дарак, маълумот		Юк кўтариш қурилмаси		Музда учиб воситаси			
Совуқ фасл	Обаки, кишмиш		Велосипед русуми		«Жиноят ва ...» (Достоевский асар)		Бешпанжа, жаз, қийма					Мисрлик миллати	Банди, тутқун
					Шийдаатли ёмғир				Охир, тамом	Тўда, пода			
Негаки	Чаён					Чопонбоп мато тури							
					Йирик саноат қорхонаси					... Ҳовуз (Бухоро)			
Кузги мева	Бола исми					Хабардор							

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ОРАЛАБ...

Farrux Jabborov

Ёлгончи дорилар

Ёлгончи дориларнинг белгилари!  
Агар дори ўта қиммат бўлса...

Сотувчи сизга бу дорини ўтказишга қаттиқ киришган бўлса. Сизни тинч қўймас. Сиз ишонган инсонлардан айникса эҳтиёт бўлинг.

Дорини ҳамма касалликка даво деса. Ёки жуда кўп касалликларга даво деса...

Дорининг келиб чиқиши ҳақида афсоналар тўқилса. Айтайлик, қандайдир тоғ чўққиси, океан туби, кўзикорин, хуллас, бир балолардан олинган деса...

Эффектини рақ ва бошқа оғир касалликлардаям зўр деб мактайдир...

Ёшартиради, хомилдор қилади, жинсий қувватни оширади деган қалит сўзлар кўп ишлатилса...

Айникса, бу дори эмас, бад бўлса...

Дори орқасидан пул ишлайсан деса, айникса! Одамлар, эҳтиёт бўлинглар! Ҳозирги кунда шундай шарлатанлар кўпайди. Чўнтагингизни ўзингиз асранг.



Firuz Allaev

Фантастика фикрлашга ўргатади

Ёш бўлишимга қарамасдан ҳаётда тушиниб етган бир ҳақиқатим.

Сўнги беш ойда жуда бир ғалати ҳолатда дуч келдим. Яхши бир фикрлаши, дунёқарашни кенг ақамиз ёшлигида энг яхши кўрган китобларни Жюль Вернни китоблари бўлганини айтиб қолди. Менинг ҳам ёшлигимда энг қизиқ китоблар шулар бўлган. «Капитан Грант болалари», «Сув остида 80 минг километр» каби китобларни қанчалик қизиқиш билан ўқиганимни айтиб ўтирмайман. Ҳеч ким уларни ўқишга мажбурламаган ҳам. Ўзим олиб 6-7-синф вақтларимда ўқиганман. Лекин, бу ҳақида у акага гапириб ўтирмадим. Ундан кейин яна бир фикрлаши кенг, креатив ўртоғим «15 ёшли капитан» севимли китоби эканини ва Жюль Верн у учун энг қизиқарли ёзувчилигини айтиб ўтди.

Менга қизиқ туюлди. Шундан кейин муваффақиятли, фикрлаши кенг, креатив инсонларга дуч келганда тез-тез ёшлиқда яхши кўрган китобнинг қайси деган саволни берадиган бўлдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, энг кўп ҳолатда Жюль Верн, Азимов ёки бошқа муаллифнинг қайсибир китоби ёки «Сарик девони миниб»га ўхшаган фантастик асарлар келаверди.

Натижада фантастик ва саргузашт асарларни болаликда кўпроқ ўқиш керак деган хулосага келдим. Болаликда фантастик асарларни ўқиш инсон дунёқарашни кенгайтиришига, фикрлаш ва фантазиянинг бойишига, креативлик ривожланишига олиб келади.

Шундан хулосага келдим, болага кўпроқ фантастик китоблар олиб бериш керак. У орзу қилсин, хаёлан саяҳат қилсин, дунёни ўзича кашф қилсин. Шунда у кенг дунёқарашли, ўз фикрига эга креатив инсон бўлиб улғаяди.

Ишонаверинг, бизнинг жамиятга ҳозир унақа одамлар жуда керак.

«Муносиб» ўғил

Бир киши ўзининг бахил ўртоғиникига меҳмонга борди. Уй эгаси ўғлини чақириб, «Ўғлим, уйимизга биз учун азиз бўлган дўстимиз меҳмон бўлиб келди. Қас-собга бориб, бизга ярим кило энг яхши гўштдан олиб кел», — деди. Бола қас-соб олди кетди. Орадан маълум вақт ўтиб куруқ қўл билан қайтиб келди. Отаси ундан «Гўшт қани?» — деб сўради.

Бола: «Қас-собга бориб, «Бизга энг яхши гўштдан берар экансиз», дедим. У менга «Сенга сариёғдек гўшт бераман», деди. Мен ўзимча «Агар у шундай қиладиган бўлса, нега гўшт ўрнига сариёғ олма-йин?» дедим-да, баққол ёнига кетдим.


Бориб, «Бизга энг яхши сариёғингиздан берар экансиз», дедим. У «Мен сенга асалдек

сариёғ бераман», деди. Ўзимча «Агар шундай қиладиган бўлса, яхшиси асал ола қолама», деб ўйладим. Шу ўй билан асалфу-рушга кетдим.

Бориб, «Бизга энг яхши асалдан берар экансиз», дедим. Сотувчи «Мен сенга мусаффо сувдек асал бераман», деди. Ўзимча «Агар шундай қиладиган бўлса, уйимизда мусаффо сув бор-ку», дедим-да, ҳеч нарса олмай келдим, деб жавоб берди.

Ота ўғлининг гапларини эшит-гач, «Нақадар ақлли боласан. Лекин бир нарсани ўйламабсан. Бир дўкондан бошқасига борганинча пойабзалинг эскиргандир» деганда, ўғли «Отаси, мен меҳмон амакиннинг пойабзалини кийиб бориб-келдим» деди.

Бола бахилликда отасидан ҳам



ўтиб кетган эди. Бу эса нотўғри, хунук тарбиянинг оқибатидир.

Ҳа, фарзандлар ота-оналари қандай тарбия қилса, нималарга одатлангирса, шундай тарбия топиб улғайишади. Шунинг учун ота-она фарзандларига гўзал ахлоқни ўргатишлари, ўзлари бу бордада намуна бўлишлари керак.

«Вазиятларни бошқариш санъати» китобидан  
Нозимжон ИМИНЖОНОВ  
таржимаси

**ЖАВОҲИР**  
**Ҳамид ОЛИМЖОН**



**ҲАР ЮРАКНИНГ БИР БАҲОРИ БОР**

*Ҳар юракнинг бир баҳори бор,  
Ҳар бир қалбга ишқ бўлар меҳмон.  
Ҳар юракда гуллар муҳаббат,  
Бўстон этар уни меҳмон.*

*Лекин Лайли бошига келган  
Қора кунлар бизга ёт бугун;  
Бизга ётдир Ширин бахтини  
Поймол этган у қоп-қора тун.*

1936 йил

**ИНТЕЛЛЕКТ**  
**Сирли «хабарлашув»**

Қадимда ҳарбий кўриқчилар мамлакатнинг бир худудига ҳаф тугилса, узоқдаги ҳамкасбларига бу ҳақда қисқа муддатда хабар беришнинг қулай бир йўлини топишган. Бу йўл билан энг тез чопадиган отлик аскардан ҳам тезроқ хабар етиб боришини таъминлашган.

**Савол: хабарчилар нимадан фойдаланишган?**

Жавоблар келгуси ҳафтанинг сешанба куни соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz

Телефон: 0(371) 234-91-82

Telegram: (+99897) 444-80-84

ПАЗАНДАЛИК СИРЛАРИ

ҚУЙМОҚЛИ САЛАТ

Бу янгича салат кўпчиликланган гўшти бўлиши мумкин. Ушбу ноодатий мазали салатимиз дастурхонингизни ҳам безашига шубҳа йўқ. Салат учун қуймоқларни ўзингиз хоҳлаганингизга тайёрлашингиз ёки бизнинг кўрсатмалардан фойдаланишингиз мумкин. Шуни унутмангки, тайёрлайдиган қуймоқларингизга шакарни камроқ солинг, шакарнинг сунъий ширин таъми билиниб қолмаслиги керак.

**Керакли масаллиқлар:**  
12 дона қуймоқ, 200 грамм помидор, 200 грамм бодринг, 150 грамм қаттиқ пишлок, 150 грамм дуд-

ланган гўшт, 200 грамм майонез, безатиш учун кўкатлар.

**Тайёрланиши:**  
Аввал қуймоқларни пишириб оламиз. Помидор, бодринг ва

дудланган гўштни майин сомонча шаклида тўғраймиз. Пишлоқни киргичнинг майда тишчасидан чиқарамиз. Каттароқ ликопчага биринчи қуймоғимизни қўямиз.

Қуймоқларнинг ҳар бирига майонез суртамиз ва навбат билан тўғраган масаллиқларимизни териб чиқамиз. Масалан, аввал гўшт, сўнг, бодринг, помидор ва ҳар бирининг устидан пишлок ҳам сепамиз.

Энг охири қаватини эса таъбга қараб безатамиз. Унга пишлок сепади, бодринг бўлақчалари билан безатса, кўриниши ҳам чиройли чиқади. Бу ёғи эса хоҳишингизга ҳавола!



**OILA DAVRASIDA**  
Mustahab oila — yurt tayanchi

«Оила даврасида» газетаси тахририяти масъулияти чекланган жамияти

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси Кенгаши; Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши; «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси; «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти; «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси; Акциядорлик тижорат «Алоқабанд».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.  
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.  
«Парк» наприёт-матбёо акциядорлик компанияси Босмаҳовасида чоп этилди.  
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўроғ кўчаси, 41.

**Бош мухаррир**  
**Хусниддин БЕРДИЕВ**


**Тахририят манзили:**  
Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.  
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета тахририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Бу юртга: Г-337  
ISSN 2181-6190  
Аввал: 1 945 нуска.  
Нарҳи: келингув асосида.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.  
Офсет усулида босилган.

Чоп этишга тоширилди: 23:00

ISSN 2181-6190



1 772 381 619 005

123456